

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 100-101 (6940-6941)
1998 йил 22 декабрь, сешанба

Сотувда эркин
нархда

Молдова Президенти Петру Лучински расмий ташриф билан Тошкентга келди.

18 декабрь куни Дурмон қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов ва Молдова Президенти Петру Лучински иштирокида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокара ралари бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида асосан Ўзбекистон билан Молдова уртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Обуна-99

Менинг бувижоним жуда меҳрибон ва дилкаш аёллар. Маҳалладагилар ҳам у кишини жуда хурмат қиладилар.

Б у в и м
я ъ н и
онамни-
нг онала-
ри отам-
нинг ва-
фотидан
сўнг биз-
ни ўз бағ-
риларига
олиб, да-
да миз
йўқлик-
ларини
билдир-
маслик-
ка ҳара-
к а т

қилдилар. Онам ишга кетганларида бизга қарайдилар: овқатларимизни мактабдан қайтишимизга тайёрлаб турадилар, баъзан онамни аяб кирларимизни, тикиш чатишларни ҳам узлари бажарадилар. Ҳар гал нафақаларини олганларида менга ёки укамга бирор кийимми, ёки китоб-дафтарми кута-

риб келадилар. Бу сафар бувижоним нафақа пулларида мен билан укамни «Тонг юлдузи»га обуна қилдилар. Укам



билан мен жуда хурсанд бўлиб кетдик. Чунки мен бу газетани мунтазам ўқиб бориш билан биргаликда хат орқали мактабимизда бўлаётган янгиликларни ёзиб тураман.

Эльвира ОТАМУРОВОВА,
Жаҳон тиллари лицей ўқувчиси.

Салом «Тонг юлдузи»!

Мен ўқитувчиман. «Тонг юлдузи»нинг ҳар бир сонини қизиқиб ўқийман ва ўз педагогик фаолиятимда газетадан унумли фойдаланаман. Бунинг учун сизларга катта раҳмат!

Бу йил бизнинг азим Кува шаҳримизда буюк бобокалонимиз Ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги нишонланди. Бу талбирга менинг синфим ҳам яъни, 6-«Б» синф ўқувчилари ҳам


фаол қатнашдилар. Гимназия-мизда Ал-Фарғоний бобомизга бағишлаб тадбирлар ўтказдик. Кува шаҳримиз гулзорга айланди.

Севимли газетамиз «Тонг юлдузи»! Сени ўқитганларни ўз шаҳримиз «Шаҳристон»га таклиф этамиз.

Чунки меҳмон кутсак арзийдиган гўшага айланди, Кува-миз!

Келаси йили «Тонг юлдузи» газетасига бутун синфимиз билан обуна бўлдик! Шаҳсан ўзим ҳам алоҳида обуна бўлдим. Сенга яхши тилаклар тилаб қолувчи ҳаммашалик муҳлисинг:

КИРГИЗОВА Дилфуза
Кува шаҳри, Бегат
қишлоғи,
1-гимназия ўқитувчиси.



Mening ismi — sharifim Yelena Osmokesku. Men asli Moldova-lik bo'lsamda Toshkentda yashab, shu yerda taxsil olaman. Biz oilamiz bilan Toshkentga kelganmiz. Menga Toshkent juda ham yoqadi: o'ziga xos ob-havo, mehmondo'st o'zbek xalqi, o'zbek madaniyati...

Men bu yerda juda ko'p dostlar ortirdim. Ular menga shaharni tomosha qildirdilar. Men Toshkentlik dostlarimdan juda minnatdorman va ularni shuningdek barcha O'zbekistonlik bolalarni yangi 1999 yil bilan tabriklayman, o'qish va ishlarida muvaffaqiyat tilayman. Oz yurtlarini kelajakda obod qiluvchi odil inson bolib yetishsinlar va hamisha tinchlik bu yurtni tark etmasin.

Suratkosh: V. XARITONOV.

НИҲОЯТ, «ЗАНГОРИ ОЛОВ»!

Юқори Чирчиқ туманида бағри кенг ва сахий инсонлар топилди. Уларнинг савобли ишларидан қўшлар баҳраманд.

Яқинда тумандаги Аҳмад Яссавий номли жамоа хужалигида жойлашган 21-урта мактабга ана шундай инсонларнинг ёрдами билан табиий газ қувурлари тортиб келинди. Эндиликда мактабнинг 300 нафар ўқувчилари кенг, ёруғ ва иссиқ хоналарда мазза қилиб ўқишмоқда. Туман халқ таълими бўлими мудири То-

ҳир Норматов ва Аҳмад Яссавий номли жамоа хужалиги бошқаруви раиси Шариф Эргашевлардан миннатдор-демолда устозу шо-гирдлар.

Тумандаги 37-урта мактабга ҳам туман халқ таълими бўлими ҳамда «Жавоҳир-И» деб номланган кичик корхона хомийлигида 300 метр жойдан газ қувурлари тортиб келиниб, тайёр холга келтириб қўйилди. Яқин кунларда бу мактабда ҳам «зангори олов» порлайди.

Латифжон МАНСУРОВ.



Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидаги 34-мактабда Галина Голубева номи-ни ўқувчилар сеvimли устозлари қаторида тилга олишади. 40 йиллик иш фаолиятини болаларга меҳр ва билим бериш билан олиб борган Галина опанинг зукко, билимдон ўқувчилари ўтилайётган фанлари бўйича бурро-

бурро қилиб жавоб беришга ҳаммаша тайёрлар.

СУРАТДА Галина опа Голубеванинг, аълочи ўқувчиларидан бири Диёр Эргашев муаллимаси саволларига жавоб бераётган пайт.

Сураткаш: Равиль АЛЬБЕКОВ.

Ёшлар — жамиятимиз кўзгусидир. Улар қай даражада бўлиши, яъни илм эгаллаши, касбларни ўзлаштириши, турли соҳаларда иштирок этиши буларнинг барчаси жамиятда яққол кўзга ташланади ва унда акс этади. Юртбошимиз «Келажак ёшлар қўлида» — деб бежиз таъкидламаган.

— Маърифат, маънавият, таълим-тарбия инсон ҳаётининг узвий бўлаги. Тараққий этган жамиятни буларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шундай эмасми, деб сўрадик республика тиббиёт

билим юрти директори М. Зиёевдан.

— Ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишида мураббийларнинг ўрни беқиёсдир деди устоз. Таълим оладилар. Дарҳақиқат таълим-тарбиянинг биринчи ва-

— Ижодкор мураббий-ижодкор инсонни тарбиялайди дейишади.

— Ўқитувчининг маҳорати унинг ижодкорлигидир. Кўркем ўқув маскани кўриш, гўзал сабоқ хоналари яратиш, уларни замонавий ўқув қуроллари билан жи-

либ чиққан ҳолда Ватан ҳақида «Ўзбекистон — Ватаниманим» мавзуидаги кўрик танловини, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган кечалар, мусобақаларни айтиш мумкин Ватан учун жонини фидо қилганлар ҳақида, шунингдек, Ватанни ҳимоя қи-

Жамият кўзгуси

дисларнинг ўзи бир чексиз илмдир. «Ёшларни ҳадислардаги илмлар орқали тарбиялаш, ҳадисларнинг мазмунини, моҳиятини ёшлар қалбига, онгига сингдиришда ўқитувчиларнинг роли катта. Чунки ўқитувчи ўқувчиларнинг билмаган нарсасини ўргатишда манба сифатида хизмат қилади. Пайгамбаримиз ўзларининг муборак ҳадисларидан бирида инсонларга қарата: «Илм эталланг. Илм — саҳрода дўст, ҳаёт йўларида-таянч, ёлғизлик дамларда-йўлдош, бахтиёр дақиқаларда-раҳбар қайғули онларда-мадакдор, одамлар орасида-зебу-зийнат, душманларга қарши курашда-қуролдир» деб таъкидлаб ўтганлар. Илмнинг нақадар чексиз, бепоёнлигини ўқувчилар тушуниб етган ҳолда, уни астойдил эгалласалар жамиятимизда комил инсонлар етишиб чиқади.

Устоз оқ халат кийиб кўнгли ҳам оппоқ булиб одамлар дардига малҳам қуйишни орзулаганларга «Икра» сурасини такрорлаб, «уқинг, уқинг ва яна уқинг» — дедилар.

Лола СОАТОВА

«Ўқи, ўқи, ўқи...»

зифаси етук мутахассис ҳар томонлама комил инсонни тарбиялаб вояга етказишдан иборатдир. Бизнинг таълим ҳақидаги гоъларимиз бутун тараққиётимиз давомида инсонпарварлик ва эзгуликка гаянган. Қолаверса, ҳар қандай таълимда ана шундай олий инсоний қадриятларга таяниш лозим.

ҳозлаш, яхши дарсликлар на- шр этиш мумкин. Лекин бу дегани тўлақонли мактаб дегани эмас. Ўқувчи — ўсиб келаётган авлод. Уни нимага ўргатсангиз шуни тезда қабул қилади.


— Ватан муқаддас қадриятдир. Талабаларни Ватанни севиш, ардоқлаш, фидойилик каби фазилатлар руҳида тарбиялаш борасида тўхталсангиз.

— Ватанпарварлик туйғуси азалий қадриятдир уни англаш, ҳис қилиш учун инсонда Ватанга нисбатан кучли бир меҳр-муҳаббат бўлиши лозим. Ёшларни, хусусан тиббиёт билим юрти ўқувчиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мазкур билим юртида миллий қадриятимиз, анъаналаримиздан ке-

лишда қатнашган қаҳрамонлар билан суҳбатлар уюштирилиши маълум даражада уларда ватанпарварлик ҳис- туйғуларини шакллантиради деб ўйлайман. Шундай экан, биз тиббиёт билим юрти ўқувчиларини ва барча ёшларни ўз Ватанига содиқ бўлиб қоладиган буюк инсонлар сифатида камол топтиришда, уларнинг миллий гурурини, миллий руҳиятини бир сўз билан айтганда, миллий маънавиятини юксалтиришимиз лозим.

— Ўқувчи-ёшларнинг илмни чуқур эгаллашларида ҳадисларнинг аҳамияти қай даражада?

— Ёшларни ўз касбига, бурчига муҳаббат руҳида тарбиялашда ҳадисларнинг аҳамияти беқиёсдир. Чунки ҳа-



Ҳа, Павел Бугало кимлигини ҳаммангиз билсангиз керак. Ўғил болалар борки, ҳаммаси футболни севишади. Мактабда, бўш вақтларда футбол ўйнашади. Ана шундай футбол ишқибозларидан бири, мактабда «Бугало» номини олган Паркент туманидаги 27-ўрта мактабнинг 7-синф ўқувчиси Отабек Турсунбоев билан суҳбатлашдик. Мана, сиз ҳам тинглаб кўринг-а, у билан қандай суҳбат бўлганини ўзингиз гувоҳи бўласиз, Отабекни биз мактаб спорт майдонида терлаб-пишиб футбол ўйнаётган пайтда учратдик.

— Отабек, футбол ўйнаб чарчамадингми?

— Йўғ-е, ахир ўғил бола сал нарасага чарчаса, нима бўлади?

— Мактабда сени «Бугало» деб чақиришаркан-а?

— Ҳа, «Пахтакор»нинг ашаддий мухлисман. «Ойнаи жаҳон» орқали футбол намоиш этилса борми, мазза қилиб кўраман.

— Отабек, ҳозир 13 — Осиё ўйинлари бўлиб ўтапти-а? «Пахтакор»нинг ғалабасини эшитгандирсан?

— Албатта, «Пахтакор» куни кеча Ҳиндистоннинг терма командаси устидан ғалаба қозонди. Буни ТВ—2 канали орқали бериладиган репортажлардан билиб олдим.

— Айт-чи, сенга «Пахтакор»чилардан қайси ўйинчилар ёқади?

— Деярли ҳаммаси, айниқса, Игорь Шквирин билан Миржалол Қосимов. Миржалол Қосимовнинг бурчақдан туриб тўп уришини машқ қилаяпман ҳозир.

— Жудаям яхши-да! Сенга «Тонг юлдузи» газетаси ёқадими?

— Ҳа, синфдошларим билан 1999 йилга ҳам биринчилардан бўлиб

Соғ юрак — тоғ юрак

обуна бўлдик. — Мактабда қайси фанларни ёқтира-сан?

— Она тили, адабиёт, математика... Умуман ҳаммаси ёқади. Улардан «яхши» баҳо олишга ҳаракат қиламан.

— Нима учун «аъло»мас?

— У ҳам бўлиб туради, гоҳи-гоҳи-

да.

— Синфдошларингни айтишчи, яхшигина қизиқчи ҳам экансан?

— Ҳа, синфдошлар билан ҳазиллашиб тураимиз.

— Ҳозир айтиб бера оласанми?

— Ҳа. Бир

куни денг, дадам менга қараб:

— Ўғлим бугун неча баҳо

олдинг? — деб сўраб қолдилар.

— «Беш» дедим керилиб.

— Наҳотки, сени ҳам беш оладиган кунинг бор экан-ку! Қани кундаликни олиб кел-чи!

— Кундалигимни дадамнинг қўларига тутқаздим. Бир маҳал дадамнинг мўйловлари титрай бошлади. Одатда уларнинг жаҳллари чиқса шундай бўларди. Бошимга кундалик билан тушириб қолсалар бўладими!

Ҳайрон бўлиб дадамга қардим.

— Бу нимаси, олган баҳоинг «Икки» билан «Уч»-ку! «Беш» қани?!

Тавба, ҳайрон қолдим. Наҳотки капкатта одам учга иккени кўшса «беш» бўлишини билмасми?!

— Раҳмат Отабек, яна бир савол. «Пахтакор»чилар «Гиннес» рекордлар китобига кирадими?

— Унисини билмадим. Футболчиларимизнинг кейинги рақиблари Эрон, Уммон ёки Хитой жамоаларидан бири бўларкан. Агар бу сафар ҳам ғалаба билан яқунланса, яхши бўларди. Ана ундан кейин «Гиннесчи»лар «Пахтакор» командасини бемалол ёзаверса бўлади.

— Келгусидаги режаларинг ҳақида бир оғиз тўхталиб ўтсанг.

— Мактабни тамомлагач, Физкультура институтига кириб ўқимокчиман. Яна орзуларим жуда кўп. Аввал мактабни тугатиб олай-чи!

— Сени машҳур Бугалодек бўлишингга ишонамиз. Балки келгусида сен ҳам «Пахтакор»чилар билан бирга майдонда тўп сурарсан. Келажакда комил инсон бўлиб етишиб, юртимиз равнақида ўз ҳиссангни кўшишингга ишонамиз.

Озода ТУРСУНБОЕВА суҳбатлашди.

Биз ҳаммамиз газетангиз билан катта бўлганмиз. Бу — айна ҳақиқат. Мактаб ёшидаги бирор бола йўқки, газетангиз саҳифаларини варақлаб маънавий озуқа олмаган бўлса. Мен газетангизнинг қизиқарли чиқаштигиндан хурсандман. Айниқса, болалик чоғларимдан у доимий ҳам-роҳим.

Нега шундай дейсизми? Бунинг боиси — укимишли эканида! Унинг купчилик диққатини тортадиган томонлари бисёр — балогат ёшига етгунга қадар қанчалик куп маслаҳат ёки тушунча олган бўлсак — унинг саҳифаларидан олганмиз. Ёдимга келган бир неча мақол ва нақлларни келтириб утмоқчиман: «Хато қилмаган — ютқазди», «Ақлни ақлсиздан урган», «Хато қилишдан қурқма, ютқуқа хатосиз яришилмайди», «Турт оёқли от ҳам қоқилди»..

Кечириб бўлмайдиган хатоларимни эслолмайман. Яхшилик йўлидаги хатолардан чўчимаيمان. Дустинг қилган хатонини кечириб мумкин, атайлаб қилинган хатонини унутиш мумкин, лекин ўзинг қилган хатонини тан олиш — қийин. Мен қилган хатоларим учун ҳеч қачон қизармаганман. Чунки улар яхши ният йўлида қилинган хатолар бўлган.

Мен аввало отамга ухшашга интилиб келганман. Чунки у кишининг фазилатлари бутун хислатлари билан

менга ёқади. Отам оилада ҳам, ишда ҳам, таниш-билишлари орасида ҳам талабчан ва меҳрибон бўлганлар.

Болаларга умрини бахшида қилаётган филойи ўқитувчидан на-

уни ўқишни қанда қилмайдилар. Менинг касбдошларим, маҳалламизнинг фарзадлари 25-, 46-мактаб ўқувчилари ҳам «Тонг юлдузи»га бехато обун бўлишадди.

Унда не-га

«ТОНГ ЮЛДУЗИ» ТАРБИЯЛАГАН

дейди Тошкент вилояти
Қибрай туманининг «Лимончилик» ширкати раиси
Маннон Ўринбоевич Юсупов

муна олиш мумкин. Қатагон йиллари халким деб жонини фидо қилганларни ҳам намуна қилиб курсатиш мумкин. Болаларга фақат газетангиз саҳифалари орқалигина эмас, балки таҳририят жонқуярлари, муаллифларнинг газетхонлар билан ижодий учрашувлар, мунозаралаар, савол-жавоб кечалари утказиб турилса мақсадга мувофиқ иш булар эди.

Менинг уч нафар ўғлим газетангизни ўқиш ёшидан утаётган булсалар ҳам

хат ёзишмайди, дейсизми? Балки вақт топиша олмаётгандир. Балки ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишни ҳали мукамал урганиб олишмагандир. Лекин ўқитувчилар ёрдамида, тугаракла буни урганса булади.

Маълум бир мақола юзасидан жамоатчилик фикрини уйғотиш шак-шубҳасиз, албатта, керак. Балки, уларнинг диққат-этиборини жалб қилиш учун бошқача услублардан фойдаланиш керакдир... Изланган топалди, дейдилар-ку.



Суратда: Зайниддин бобо набиралари билан.

«Ур-ре! Биз лимон сайлига борамиз!» Ушбу хушхабар Тошкентнинг 324-мактаби бўйлаб қанот қоқди.

— Қаяққа борар эканмиз?
— Узоққами ёки яқинга?
— Лимонлар мамлакатига қанча вақт ичида етиб борар эканмиз?

Саволлар гиж-гиж. Биз сайил ташкилотчилари ва мактаб раҳбари Салима Шароповага мурожаат қилдик. У киши: «Болалар, ўзим ҳам биринчи мартаба боряман, лекин, уйлашимча жуда қизиқарли саёхат бўлиши керак», дедилар.

Мана, мактаб ҳовлисида автоулов ҳам ҳозир нозир бўлди. Аввал шаҳар ичида, сунгра эса унинг ташқарисига қараб йул олдик.

Орадан 30 дақиқача вақт утгач, Тошкент вилоятининг Қибрай туманига қарашли «Яланғоч» қишлоғига кириб бордик.

Шаҳар билан қишлоқ чегарасидаги ғиштин урда худудидамиз. Автоулов бетон йўлга чиқиб олгач, «Лимончилик» ширкати идораси томон йуналди. Ушбу ширкатни Маннон ака Юсупов бошқарар эканлар. Сиз яна «Юсупов» номли помидорини кашф қилган уша миришкор — деб адаштириб юрманг тагин! Асло. Лекин у киши ҳам миришкор — «Юсупов»лар лимони кашфиёти устида иш олиб бораётгани бор гап.

Мана, ниҳоят биз ўқитувчиларимиз билан биргаликда ширкат дарвозаси олдида турибмиз. Дарвоза ланг очилиб, куз олдимизда иссиқхоналар намоён бўлди. Ана, иссиқхонаю, мана иссиқхона — юзлаб метрга чузилиб кетган-ов!

Ширкат ишчилари бизни яхши кутиб олишди. Иссиқхоналарга бошлаб киришди. Эҳ-ҳе: ана муъжизаю мана мужиза! Ташқарида қиш, бу ерни эса худди баҳор дейсиз. Юраверасиз, юраверасиз — томоша қилиб қўзингиз туймайди. Атрофингизда эса сап-сарик — қуешсимон лимонжонлар! Худди «мени ўз! Йўқ, йўқ — мени! Мен роса стилганман!» дейишаётгандай. Оҳ-оҳ, уша пайтда ёнимизда булсайдингиз! Маза-да, тугримиз!

«Болалар, илтимос, меваларга қўл билан тегинманглар. Келинлар, яхшиши, аввал мен сизларга ҳужалигимизнинг ташкил топиши тарихи ҳақида сузлаб берай. Кейин ҳаммамиз лимонзорларни айланамиз. Шунда сиз ярим асрдан буён тилларда дoston бўлиб келаятган муъжизанинг гувоҳи бўласизлар, — деди сайлимизга етакчилик қилаётган йўлбошчимиз — бутун дунёга танилган академик, ўз ишининг фидойиси, муътадил усимликлар миришқори Зайниддин Фахридиновнинг ўғли — қишлоқ ҳужалиги фанлари ном-

зоди, Нуриддин ака Фахридинов, ...1949 йил... «Яланғоч» (номидан ҳам билиниб турибди) қишлоғи худуди қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган қўпа-қуруқ ер эди. Шу ерга 500 туп лимон кучати олиб келдик. Лекин афсуски, ушанча кучатнинг аксарият қисми қуруқ чўпга айланиб қолди. Ушанда Зайниддин ота аламдан йўғлаб юборганлар. Уша кучатлардан атиги 15 тупи тутиб кетган, холос. Ота уларни ўз боласи каби авайлаб парваришладди. Туну кун тепасида меҳр билан парвона бўлди. Меҳр туйғусини кучатлар ҳам ҳис қилар экан-да — орадан бир ярим йил утиб кечаги кучатлар узининг биринчи ҳосилини куз-куз қила бошлади. Ана ушанда Зайниддин ота иккинчи мартаба йўғлаб юборганлар. Лекин буниси минг машаққат

авж олиб кетдики, асти қуяверасиз. Бу ишни эглай олмаганлар ҳам бўлди — уларнинг урнини уддабурон заҳматқаш ёшлар эгаллашди. Эплаган қандини урсин, нима дедингиз?

Шундай қилиб, мана 50 йилдирки, моҳир миришқорлар томонидан етиштириляётган тиллоранг лимонларга «Юбилей туҳфаси», «Тошкент», «Ф-1», «Ф-2» номлари берилиб элу юртнинг лимонга бўлган эҳтиёжи қондирила бошланди. «Яланғоч» қишлоғининг ҳам чеккан заҳматлари унутилгани йўқ — янги навлардан бирига унинг номи берилди. Унинг ҳажми чақаллоқнинг бошдек келади — ҳовчингизга сиғмайди. Хушгаъмилигини айтмайсизми! Пишиб етилганда еб қуринг — пучоғи ҳам чиқитга чикмайди, ана шунақа «Яланғоч» лимони!



билан етиштирилган меҳнат самарасидан қувониб — шодлик ёшлари эди. Бу қувонч биргина Фахридиновлар оиласининггина эмас, «Яланғоч» қишлоғи аҳлининг эмас, балки бутун мамлакатимиз эришган улкан Қувонч — оламшумул Ютуқ эди: ЎЗБЕК ЛИМОНЛАРИ дунёга доврўқ таратди. Яна қанақа лимонлар денг — сатта-сатта ширали, катта-катта шифобахш лимонлар! Аввалги лимонларнинг долдаси эди булар! Ана шу шодиена уларни янгилан-янги ютуқлар сари отлангирди. Ана энди лимонларнинг янги навларини кашф қилиш борасида ҳам ишлар бошлаб юборилди. Ишлар шунақа

— дейди ширкат раҳбари Маннон Юсупов. — Бунақасини етти иқлимдан ҳам ахтариб тополмайсиз!

Ажойиб таассуротлар олдик. Иссиқхоналарни айланиб чарчамайсан киши. Кейин Маннон ака бизни қишқи боғга таклиф қилдилар. Қишқи боғни нақ боғи эрам дейсиз. Эртакнамо — ажойиботлар дунёсига кириб қолгандек буласиз: ойнаванд саройда банан ва пальмалар, жасмин, кактус, агава ва папайя, ҳаттоки Амриқонинг пахта дарахти (ҳа, ҳа — сузимизга ипонаверинг!) ва сабур, хурмо ва мандарин, атиргул ва лилия, ҳина ва помидор — эҳ-ҳе, санаб сано-

Муъжизалар мамлакатига

Ахир яқин-яқинларгача бир-биримизга хат ёзишмаганмидик? Парта остидан «ановинга узат», «мановинга бериб қуй» қабилдаги хат ёзишмаларини яхши эслаيمان. Албатта, бу ўқитувчиларнинг гашига тегар эди.

Бу дарсда интизом бузилишига олиб келар эди-да.

Хат ёзишга ҳам маҳорат, ҳам ўқув керак бўлади. Демак, яхши ёзиш керак, болаларнинг тилида — дилидагини ёзиш керак. Бу — жуда катта масъулият.

Эҳ, қани энди қайтадан бола бўлиб қолсам! Нималарни ёзар эдим? Нималар ҳақида уйлар эдим? Ҳозир очиқойдин айтишим мумкин: Она табиат ҳақида ёзар эдим. Қўпша-қуруқ ерда мана бундай лимонзорларни қандай барпо қилганимиз ҳақида ёзар эдим. Яна қайтадан ёшариб қолсам, барибир, умримни лимонзорлар барпо этишга сарфлар эдим. «Яланғоч»даги ажойиботни ҳамма келиб-қуриб, урганишлари кераклиги ҳақида ёзар эдим. Ахир гузалликдан баҳраманд бўлиш учун аввало уни ярата билмоқ кераклиги ҳақида ёзардим. Гузалликдан баҳраманд бўлиш ҳам бахт ҳисобланади.

«Лимончилик» ширкатини Зайниддин ота Фахридиновдан унутилмас хотира сифатида сақлаб қолинишини, Ватанимиз жаҳонга доврўқ соладиган мамлакатга айланишида фидокорлик қилаётганлар ҳақида ёзардим.

гига етолмайсиз: ер юзидаги жамики рангба-ранг усимликлар пориллаб — гуллаб-яшнаб, мева тутиб етибди. Лимонларнинг турларини айтмайсизми! Қуриб оғзингиз ланг очилиб қолади.

«Энди уйга қайтмаймиз!» — дейишди ҳаяжонланган болалар. — Шу ер бизга ёқиб қолди.»

— Биласизларми, болалар, — деди Нуриддин ака билан ҳашаротшунос Муминжон ака Норматов маслаҳат тариқасида, — бу сунги келишларингиз эмас, сизлар билан ҳали куп учрашамиз. Лекин сиз бу ерда қурган — кечирганларингизни синф иншоларида баён қилишингизни жуда-жуда истар эдик. Муътадил иқлим усимликлари ва мамлакатимизнинг усимликлар дунёси ҳақида купроқ тасаввур ҳосил қилишингиз керак.

Қишлоқ бўйлаб юриб борар эканмиз, ҳамон ажиб таассуротлар оғушида эдик. Бу кун биз учун чинакам байрам бўлди. Автоуловимиз жонажон мактабимиз ёнига келиб тухтаганда эса маҳалладошларимиз «Қоратош»ликларнинг қўлимиздаги лимонларга ҳайрат билан қараётганликлари гувоҳи бўлди. Бунақанги лимонлар етти ухлаб тушларига кирмаганда уларнинг.

Азиз дустим! Сиз ҳам ана шундай байрам иштирокчиси бўлишни истайсизми? Унда — марҳамат! Тошкент шаҳридан

унчалик узоқда бўлмаган Қибрай туманининг «Яланғоч» қишлоғига таширф буюринг. Ахир бекорга айтмаганлар-ку, юз марта эшитгандан кура бир марта қурган яхшироқ, деб! Шунда она сайёра-мизнинг ажабтовур усимликлари билан танишибгина қўлмай, балки мевасидан ҳам тотиб қурасиз.

Ҳа, лимонлар мамлакатига бир бор бўлган киши уни қайта қўрсан, дейиши аниқ. Уни қурганлар дармонда, қурмаганлар эса — армонда! Армонда қолманг деймиз-да, азиз тенгдош дустларим!

Флора УМАРОВА.

Бу воқеани менга оймлар айтиб бергандилар. Воқеа Чуст тумани, Олмос қишлоғида бўлган экан.

Ярим тун. Ҳамма ширин уйқуда. Холамлар нима бўлибди-ю, уйқулари қочиб, кучага чиқибдилар. Шунда пайт кучанинг бошидан аёлларнинг кулгуси, доиранинг овози келибди. Холам ҳовлидан кучага чиқибдилар. Шунда биртўда аёллар холамларнинг олдиларидан ашула айтиб, рақсга тушиб ўтиб кетишибди. Хотинларнинг энг орқасида бир оёғи чўлоқ аёл ҳам бор экан.

Аёллар уни:
—Юр, Салима, тезроқ юр,
—деб чақиривар экан.
Эрталаб холамлар тунда

бўлган воқеани менинг оймларга айтиб берибдилар. Шунда оймлар «Қани юрчи», —деб холамни эргаштириб қишлоқнинг чеккасидаги жарликка боришибди.

Шунда уларнинг кузи пастда ётган бир аёлга тушибди. Улар қишлоқдаги одамларни йиғишибди. Улар пастда ётган қишлоқдаги Салима деган аёл эканлигини айтишибди. Шунда оймлар холамларга қараб: —Агар сен ҳам уларга эргашганингда шундай аҳволда ётган бўлардинг, —дебдилар.

Замон АЗИЗОВ
Наманган вилояти,
Чортоқ шаҳри.



Тошкентдаги Шайхонтохур тумани «Болалар ва ўсмирлар» ижодиёти марказида «Ёш қаламкаш» тўғараги анча йиллардан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Мен тўғаракка уч йилдан буён аъзоман. Тўғаракдошларим қатори тумани, шаҳар миқёсида бўлиб турадиган ижодий кўрикларга қатнашаман. Шайхонтохур тумани, Халқ маорифи бўлими томонидан чиқарилган «Митти юлдузчалар шўъласи» китобчасидан менинг ҳам ижод намуналарим жой олган. «Ёш истеъдодли ўқувчилар»нинг 1997—98 йилда бўлиб ўтган сўбатларида қатнашган кезларим севимли газетам «Тонг юлдузи»да шеърларим чоп этилган. Мана, яна ички бир ҳаяжон билан ижод намуналаримни тақдим этмоқдаман. Ўқинг, фикр ва мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.

**ХАЛҚИМ
ЎЗБЕГИМ**

Муҳаббатим сенга она диёрим
Мадҳ этолса қани кўлдаги торим
Бағишласам сенга кўнгилда

борим,
Дини ислом менинг халқим —
Ўзбегим,
Қалби имон менинг халқим —
Ўзбегим!

Покликка ўралган номусим
менинг
Идроки зўр дониш, қомусим
менинг
Мудроқ билмас, сезгир бу
жисмим менинг
Дини ислом бўлган халқим —
Ўзбегим,
Қалби имон бўлган халқим —
Ўзбегим.

Дини ислом бўлган халқим —
Ўзбегим,
Қалби имон бўлган халқим —
Ўзбегим.

Тупроғинг талашди — тотиниб тузинг,
Ўз уйида ҳатто сўзломмай сўзинг
Хукмрон бўлганлар топдилар тўзим,
Дини ислом бўлган халқим —
Ўзбегим,
Қалби имон бўлган халқим —
Ўзбегим.

Энди эрки кўлда бўлган ўзбексан,
Тенглар ичра тенгу, ўзига бексан.
Беозору, покдил, жасур, кушдексан,
Дини ислом бўлган халқим —
Ўзбегим,
Қалби имон бўлган халқим —
Ўзбегим.

**ҚАЛБИМДАДИР
ОҚИБАТ, ҚАДР...**

Мана бу буваимиз ер чопган кетмон
Токчада мутолаа қилган китоблар...
Барчаси сўзлайди эзгу хотирот
Назаримда сўнмас, мангу офтоблар...

Шу уй, маҳаллаю, масжид, мадраса —
Шу мерос ардоғи юксакка чоғлар.
Кўнглимизда боқий яшовчи хислат
Аёнки, дунёни оқибат сақлар...

Феруза МҮМИНОВА,
Шайхонтохур тумани,
40-мактабнинг
11-синф ўқувчиси.



ХУРОЗ НЕГА ҚИЧҚИРАДИ?

Афсона қилишларича, бир қишлоқда Каримбой исмли бой яшаган экан. У жуда хасис ва ўта бахил экан. Бойнинг Холмат

айтаркан. Аслида эса Холмат барвақт туриб, отасидан яшириб камбағалларга нон, пул, турли егуликлар тарқатар экан. Нима булибди-ю, бой бир куни бар-

ни айтиб берибди. Қози узоқ уйланибди ва шундай дебди:

—Эй худо, шу болага раҳм-шафқат қилиб, золим отасидан қутқар, уни шундай бир паррандага айлантиргинки, токи у гарчи парранда бўлса-да, одамларга яхшилик қилсин...

Шундай қилиб, уни одамлар «Хуроз» деб атайдиган булишибди. У аввалги одатидек ҳаммадан олдин уйғониб, қичқирар, одамларни уйготар экан. Унинг овозини эшитган одамларнинг эсига Холмат тушар экан. Улар худого илтижо қилиб, ўз ризқларини сўрар эканлар.

Лайло ФОЗИЛОВА,
Бухоро вилояти,
Ғиждувон туманидаги
4-ўрта мактабнинг 6-«А»
синф ўқувчиси



деган ўғли булиб, у отасининг тамом акси экан. Холмат олижаноб, ақлли ва меҳр-шафқатли экан. Бой ҳар доим ўғлига: — Сен маҳалланинг хурозисан, сендан ҳамма қўрқади, —деб

вақт уйғониб қолибди. Ҳовлига чиқиб қараса, ўғли бақириб, ҳаммага нон улашиб юрганмиш. Бойнинг жаҳли чиқибди ва ўғлини қозининг олдига олиб борибди. Холмат қозига бор гап-




АЙВОН

Айвонимиз иссиққина,
Одамлари тузукқина.
Газда ошин қилолмайди,
Ўчоғи бор пишиққина.

Лаган тўлиб ош келади,
Усти тўла гўшт келади.
Ўртада баҳам кўринг,
Худойимга хуш келади.

Турп билан ошдан олинг,
Думба ёғу, гўштдан олинг.
Кўлингизни артмасдан,
Беш бармоқни ялаб олинг.

Зумрад БОБОЕВА,
Тошкент шаҳри.



ЁШ ИҚТИСОДЧИ

YOSH IQTISODCHI

“Тонг юлдузи”га илова
иқтисодий газета



Давлат рамзлари

„МАДҲИЯМИЗ-ФАХРИМИЗ“

“Мадҳиямизни ҳамма билиши керак, деб ўйлайман”, дейди Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабнинг 1-“Г” синф ўқувчиси Гавҳар Каримова.

Биз Алифбе сабоқлари-ни ўрганиб бўлдик. Энди ҳамма ҳарфларни бемалол ўқиямиз. 19 декабрь куни мактабимизда “Алифбе байрами” бўлди. Унда биз шеърлар, кўшиқлар айтдик, ота-оналаримизга китоблар ўқиб бердик. “Алифбе байрами”да биз Ўзбекистон Республикасининг Мадҳиясини ҳаммамиз биргаликда айтдик. Муаллима-устозимиз Мавлуда опа Қодирова дедиларки, Давлат Мадҳиямиз шу йил 10 декабрда 6 ёшга тўлибди. Уни ҳам байрам қилдик. Лекин баъзи ўртоқларимнинг ойилари Мадҳиямиз-ни билмас экан: биз куйлаган вақтимизда баъзилар фақат тик туришди, холос. Катта одамларга ўргатишга уяллик. Шунинг учун Мадҳиямизни газетада ёзиб эъқсаларинг яхши бўларди, деб ўйлайман.

Гавҳарнинг гапларини ёш мухбиримиз Гулноза МУСАЖОНОВА ёзиб олди.

Мужда

“ҚОНУНИМИЗ - ҚАЛҚОНИМИЗ”

Абу Райхон Беруний номли Техника дорилфунуни қошидаги лицейда “Қонунимиз - қалқонимиз” Республика фестивал бўлиб ўтди. Республикамизда ўқувчиларнинг алоҳида ажралиб турган 10 та лицей жамоаларининг вакиллари қатнашдилар. Фестивал кундалиги аввал ўқувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Таълим ҳақидаги қонун ва Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур, Фуқаролик ва Жиноят кодекслари ҳамда республикамизнинг болалар ҳаётига бевосита даҳлдор қонунлари юзасидан синовлар, беллашувлар ва мунозараларга бой бўлди. Фестивалда баҳона ёшлар турли лицейлардаги янгиликлар, қизиқarli тадбирлар, тендошлари ҳаёти билан танишдилар. Тажриба ўрганиб, янги дўстлар орттиришди. Улар қонунларимизни яхши ўрганиш мустаҳкамлашини ишончини инсоннинг ўзига эътироф этишди. Фестивал иштирокчилари ҳуқуқий билимдонлик Ватанимиз қудратини мустаҳкамлаш, келажак омили эканини таъкидлашди.

АМАЛИЙ МАТЕМАТИКА КЎРГАЗМАСИ



Яқинда 1-лицей-интернатнинг ўқувчилари ўртасида “Математика ва ҳаёт” мавзусида кўргазмалар танлови бўлиб ўтди. Ўқувчилар ўзлари тайёрлаган кўргазмаларини намойиш қилиш билан бирга, уни ҳимоя ҳам қилдилар. Танловда, айниқса, битирувчи синф ўқувчилари Фуломжон Мирзакаримов, Муқаддамхон Бўтаева, Аскарали Мадумаров каби ўқувчилар фаол иштирок этдилар. Улар тайёрлаган математик моделлар ўқувчилар диққатини ўзига тортди. Ниҳоятда қизиқarli ўтган кўрик-танлов қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Усмонали ҲАЙДАРОВ,
Фаргона вилояти,
Охунбобоев туманидаги
1-лицей-интернат директори.

ЁШЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

“Жар” спорт мажмуида республика мустақиллигининг 7 йиллигига бағишлаб, “Труд” газетаси соврини учун учинчи халқаро болалар шахмат турнири ўтказилди. Республика вилоятларининг 12 жамоаси Қирғизистон, Қозоғистондан келган 140 нафар ёш спортчилар иштирок этди. Жамоа ҳисобида тошкентлик спортчилар биринчи ўринни эгаллашиб, “Труд”нинг бош соврини - билур кубокни қўлга киритди. Иккинчи ўринни Қашқадарё вилояти, учинчи ўринни қирғизистонликлар эгаллашди. Шахсий ҳисобда 16 ёшли Жасур Мажидов мутлақ чемпион бўлди.

Суратда: шахмат тахтаси ёнида 4-синф ўқувчиси Оник Мартиросян. Ангрэн шахридаги ёшлар спорт мактаби командаси устози Ю.Швецов. В.Гранкин суратга олган.

ИҚТИСОДЧИ-ТАРЖИМОН БЎЛМОҚЧИ

Малоҳатнинг кучли иқтидорини сезган ота-онаси уни қабул имтиҳонларига олиб келишди. У эндигина 6-синфни тамомлаган бўлишига қарамай, 8-синф учун ўтказилган синов имтиҳонларида муваффақиятли қатнашди. Ўзининг билимдонлиги, зукко ва зийраклиги, илмга чанқоқлиги билан устозлар меҳрини қозонди. Шундай қилиб, Малоҳат, Сариосиё туманидаги 1-иқтидорли болалар лицей-интернати ўқувчисига айланди. Ҳозирги кунда лицейнинг инглиз тилига йўналтирилган синфида таъ-

лим олмоқда. Бу ерда у янги-янги дўстлар орттирди, устозларидан ниҳоятда ҳурсанд. Айниқса, инглиз тилига жуда қизиқади. Келажакда моҳир таржимон бўлиб, мамлакатимизнинг маънавий-иқтисодий юксалишига ўз ҳиссасини қўшмоқчи. Қадамидан ўкчақнаб, кўзларида учкун порлаб турган бу қизни энди танигандирсиз? Ҳа, бу - Малоҳат!

Гулнора НИЁЗОВА,
Сурхондарё вилояти, Сариосиё туманидаги
1-лицей ўқитувчиси.

УШБУ СОНДА:

ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР

7-БЕТ

Самарқанд вилояти,
Пайариқ туманидаги
6-мактабнинг 7-“А”
синф ўқувчилари —
меҳмонимиз!

8-БЕТ

“Сизнинг асрингизда ақлли машиналар инсонлар, уларнинг ҳаёти, туйғулари борлигини унутмасин”, - дея Антон Барришников истак билдиради.
ВАҚТ МАШИНАСИ

9-БЕТ

Озиқ-овқатга ишлатиладиган янги алюминий ва сирланган идишлар ишлатилмай туриб ичимлик содаси ёки совунли иссиқ сувда обдон ювилади.
ХОНАДОН


10-БЕТ

Лекин балиқларнинг қулоғи биз кўниккандек, ташқарида эмас, ичкаридадир.
БАЛИҚЛАР
ЭШИТА ОЛАДИМИ?

11-БЕТ

ЎЙИЧ МАЙДОНЧАСИ

12-БЕТ





Кутлов

МАЙДОНГА ЧИҚҚАН

“ЙИЛ ЎҚИТУВЧИСИ”

КЎРИК-ТАНЛОВИ

ЯКУНЛАНДИ

МАРФЛАР

Ур-ре! Ёш иқтисодчиларнинг эзгу тилаги рўйбга чиқди: “Йил ўқитувчиси” кўрик-танлови қатнашчиларининг ҳаммалари танлов ғолиби деб топилдилар.

Ниҳоят, йил давомида олиб борилган изланишлар ўз баҳосини олди. Баҳорда республикамиздаги 10 мингтадан ортиқроқ мактабларда ўтказилган йилнинг энг яхши ўқитувчиси номини олиш учун муаллимлараро бўлган беллашувларда 10 минг устоз ғолиб чиққан эдилар. Туманлар миқёсида мактаблараро ўтказилган танловларда 250 устоз юқори кўрсаткичларга эришганди. Ниҳоят, Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар доирасидаги танловларда

12 муаллима ва 2 нафар муаллим бош соврин соҳиби бўлгандилар.

Газетамизнинг ўтган сонига хабар берганимиздек, 14-18 декабрь кунлари пойтахтимизда “Йил ўқитувчиси” кўрик-танловининг якуний босқичи бўлди. Кўрик-танлов жуда қизиқарли, жуда ҳаяжонли ўтди. Таассуротлар, фикрлар, хулосалар - бир дунё! Газетамизнинг келаси сонларида ғолиб устозларнинг ҳар бири билан алоҳида, батафсил суҳбатлашиш режамиз бор.

Бугун эса беллашув қатнашчилари ва уларга танлов ҳайъати берган “унвон” билан сизни лутфан таништирмақчимиз. Марҳамат, танишинг, табрикланг:



Гулчеҳра Маманбоева (Гулистон шаҳридан) — Энг жозибали ўқитувчи;

Ҳабибахон Орипова (Яккабоғ туманидан) — Ташаббускор ўқитувчи;

Шарофатхон Эрматова (Пахтакор туманидан) — Маҳоратли ўқитувчи;

Шухратжон Мирхонов (Пешку туманидан) — Изланувчан ўқитувчи;

Чашминисо Абдуллаева (Чуст туманидан) —

Гўзаллик шайдоси;

Рустамжон Худойберганов (Беруний туманидан) — Шеърят шайдоси;

Зумрад Ниёзова (Навоий вилоятидан) — Энг ёш ижодкор ўқитувчи;

Маърифатхон Жаҳонгирова (Марҳамат туманидан) — Ширинсухан ўқитувчи;

Бибисора Ҳасанова (Яккасарой туманидан, Тошкент шаҳри) — Бунёдкор ўқитувчи;

Роҳатой Саидова (Богол туманидан) — Энг фидойи ўқитувчи;

Мунаввар Каримова (Каттақўрғон туманидан) — Болаларнинг суюкли ўқитувчиси;

Мунаввархон Хамидова (Пскент туманидан) — Матонатли ўқитувчи;

Рисолатхон Хотамова (Марғилон шаҳридан) — Зукко ўқитувчи;

Насиба Қодирова (Сурхондарё вилоятидан) — Мўъжизакор ўқитувчи.

Азиз устозларингиз кўрик кунлари давомида ўз фани юзасидан берилган тест саволларига жавоб беришди. Улар фани улуғлаган аснода ўз шахсини бадиий йўсида таништиришди. Ўқитувчиликдан ташқари ҳаётдаги қизиқишларининг намойиши этдилар. Синфда ўқувчилар билан мулоқот чоғларида ногоҳ юзага келиши мумкин бўлган қалтис вазиятдан чиқиб кетиш маҳоратида оид синовдан ўтишди. Асосийси, пойтахтимиздаги 110-мактабда ўзлари ҳам танимайдиган ўқувчиларга очиқ дарслар ўтиб, имтиҳон топширдилар.

“Биздан имтиҳон олувчи талабчан устозлар бу имтиҳонда қандай баҳо олдилар?” дейсизми? Халқ таълими вазиримиз муҳтарам Жўра Ғаниевич Йўлдошевнинг эътирофи этишича, улар - республикамиз муаллимларининг бу йил чақнаган юлдузлари. Вазирлик қарорига биноан улар “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочилиси” унвони билан мукофотландилар.

М. ПИРМАТОВ.

Хабарингиз борми?

ЭНГ ҚАДИМИЙ ЁЗУВ - АБИДОС ТОПЧИЛДИ

Абидос - қадимги мисрликлар учун худди бизнинг муборак Макка шаҳри каби азиз, муқаддас жой ҳисобланган. Қадимги мисрликлар у ерга сажда қилганлар. Маҳаллий аҳоли ўз ходимлари жасадини эрамиздан олдинги 4 минггинчи йилларгача Нил дарёсининг ғарбий соҳили билан саҳронинг қумлоқ худуди чегарасига кўмганлар.

Абидосда фиръавнлар биринчи сулосасининг тўлиқ ва иккинчи сулоласининг 2 вакили қабрлари бор. Бу ерда узоқ йиллар иш олиб борган немис археологлари гуруҳи (раҳбари профессор Гюнтен Дрейер) яқинда фан учун фавқулодда янгиликни эълон қилди: бу ердан маҳсус ёзувли суяк тахтакачлар топилди. Улар эрамиздан аввалги 3150 йилга мансуб. Бу - қадимги Миср иероглиф ёзуви аввал эътироф этилганига нисбатан бир ярим минг йилга каттароқ дегани! Айни вақтда у шу вақтгача дунёдаги тўнғич ёзув деб ҳисобланган месепотамия клиноёзуви билан тенглош дегани.

“Труд-7”.

Билсангиз - ўйлаб топинг, билмасангиз - ўқиб топинг

ТАБИАТ ХАЗИЛЛАРИ

Эм шаҳридан Эн шаҳрига икки йўловчи бир-бирини қаршилаш учун йўлга чиқди.

Савол:

1. Эн ва Эм шаҳарлари қаерда жойлашган?
2. Балки яна Эр, Эш ва шу каби бошқа шаҳарлар ҳам бордир?
3. Ҳақиқатан ҳам икки ҳарфли географик атамалар борми?
4. Бир ҳарфлиси-чи?

Сухона дарёсига куйладиган Жанубий дарё Шимолий Двинага жойлашган. Бу табиат ҳазилими? Шимолда жануб?!

Нима учун бу дарё Жанубий деб аталади?

Евроосиёда қизик ярим ороллар бор.

Биринчиси - икки денгиз билан икки океанни ювиб туради;

Иккинчиси - уч денгиз билан икки океанни;
Учинчиси - тўрт денгиз билан икки океанни;
Тўртинчиси - 5 денгиз билан бир океанни.

Савол:

Бу ярим орол ва денгиз, океанларнинг номларини айтинг.

Топшириқ:


Қуйидаги географик объектларга (чапдаги) етишмаётган сўзлар ёки номларни ёзинг ва улар қаерда жойлашганлигини кўрсатинг.

- | | |
|---------|---------------|
| Нил | Шарқий |
| Бельт | Австралияники |
| Ер | Олтин |
| Альплар | Оқ |
| Иртиш | Катта |
| Гатлар | Оловли |
| Рог | Қора |

Масалан: Нил Оқ Нил - Нил дарёсининг ғарбий ирмоғи.

Бошқотирма

ДОМИНО-ФОКУС



Биласизки, бир мажмуада 28 та домино тоши бўлади. Ўртоғингиз хоҳлаган 1 та тошни олиб бекитиб қўйди ва қолган 27 та тош билан ҳам домино занжири ҳосил қилиш мумкин, деб сизни ишонтирди-да, ўзи сиз ясаётган занжирни кўрмаслик учун беркитган домино тошини олиб, қўшни хонага чиқиб кетди, дейлик.

Сиз ишга киришдингиз. Тезда ишондингизки, ўртоғингиз ҳақ экан: 1 та тош етишмаса ҳам 27 та тошдан занжир ҳосил қилиш мумкин экан. Қизик, шу вақтда ўртоғингиз қўшни хонада туриб, сиз ясаган занжир қайси сонли тошлар билан тугаганини айтди.

У бундан кўрмай туриб қандай библиб олди? Ва у нима учун 27 та тошдан ҳам узлуксиз занжир ҳосил қилиш мумкинлигига ишонди?



МАКТУБЛАРИНГИЗНИ КЎЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:
700029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-уй, 402-хона.
(Музаффар ПИРМАТОВга)

ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР

Янги ўқув йилидан бошланган "Иқтисодиётдан сабоқлар" сиртқи мактаби конкурси давом этмоқда.

Конкурс "Ёш иқтисодчи" илова газетаси ва конкурс лойиҳаси муаллифлари, фан номзодлари Эргашов САРИҚОВ ва Баҳодир ХАЙДАРОВлар билан ҳамкорликда уюштирилмоқда.

Конкурс бутун ўқув йили давомида олиб борилади. Газетамизнинг ҳар бир сонидан конкурс топшириқлари ва топшириқларни бажаришингиз учун зарур бўладиган назарий материаллар бериб борилади. Сиз ўз навбатида топшириқ варақаларини тўлдириб, тахририятга юборишингиз лозим. Агар газетамизга обуна бўлмаган бўлсангиз, ҳозирча мактаб кутубхонасидан

газетани топиб, қўлда ёки ксероксда кўчириб олиб, топшириқ варақасини тўлдириб, бизга йўллашингиз мумкин. Оралиқ якунлар ҳар ойда эълон қилиб борилади. 3-4 та газетанда берилган топшириқларни тўплаб, 1 та хатжилда юборишингиз ҳам мумкин.

Конкурс ташкилотчилари ва ҳамийлар томонидан кўйидаги мукофотлар таъсис этилган:

1-ўринни эгаллаган ўқувчига - телевизор;

2-ўринни эгаллаган ўқувчига - стерео магнитофон;

фаол қатнашган 10 та ўқувчига - аудио-плеер


Конкурснинг якуний босқичи Тошкент шаҳрида 1999 йилнинг апрель ойида ўтказилади.

13 - ДАРС

БОЗОРНИНГ ТУРЛАРИ


Бозорлар уларда сотиладиган товарлар турларига қараб турли хил бўлади.

Аҳоли учун зарур бўлган товарлар ва хизматлар **истеъмол товарлар бозорида** сотилади. Биз яхши билган деҳқон бозори, машина бозори, кийим-кечак ва буюмлар бозори турли-туман дўконлар, супермаркетлар, ошхона, сартарошхона, нонвойхона, устахоналар, жамики маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари - истеъмол товарлар бозорини ташкил қилади.



Истеъмол товарлар бозори

Корхоналарда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун зарур бўладиган асбоб-ускуналар, биноиншоотлар, хом-ашё ва материаллар - **ишлаб чиқариш воситалари бозорида** сотилади.



Ишлаб чиқариш воситалари бозори

Ишлаб чиқариш воситалари олди-сотдиси асосан товар биржалари ва савдо фирмалари орқали амалга оширилади.

Товар биржалари товарларни катта-катта ҳажмда, улгуржи (кўтарасига) сотиб оладиган ва сотадиган савдо корхоналаридир.


Иш кучи, меҳнат ҳам махсус товар бўлгани учун унинг ҳам ўз бозори бор. **Меҳнат бозорида** иш кучи сотилади. Бундай бозорда аҳолини ишга жойлаштириш би-



Меҳнат бозори

лан шуғулланувчи меҳнат биржалари, корхоналар фаолият кўрсатади. Меҳнат бозорига мардикор бозори ҳам мисол бўла олади.

Пулни махсус ҳаммабоп товар деб айтган эдик. Демак, унинг ҳам ўз бозори бўлиши керак. Бу бозорни **молия бозори** деб аташади.



Молия бозори

Молия бозорида пуллар қарз берилади ёки қарзга олинади ва бу хизматларни банклар кўрсатади. Молия бозорида оддий пуллардан ташқари "**қийматли қоғозлар**" деб аталган махсус пуллар сотилади ва сотиб олинади. Бу иш билан фонд биржалари шуғулланади. Шунингдек, молия бозорида хорижий давлат пуллари валюталар сотилади ва сотиб олинади.

Сиз кўча-куйда валюта алмаштириш шохобчаларини кўрган бўлишингиз керак. Худди шу шохобчаларда хорижий давлат пуллари сотилади ва сотиб олинади.

Интеллектуал товарлар бозорида - ақлий меҳнат маҳсули бўлган товарлар ва хизматлар сотилади. Бундай товарларга илмий гоаялар ва санъат асарлари, техник лойиҳа ва кашфиётлар, кино, концерт томошалари ва ҳоказо ақлий меҳнат билан боғлиқ хизматлар киради.



Интеллектуал товарлар бозори

Шу билан бирга, алоҳида олинган товарлар бозорлари ҳам бўлади. Масалан, нефть бозори, пахта бозори, ғала бозори, рангли металллар бозори ва бошқа товарлар бозорлари дунё миқёсига жуда катта ўрин тутади.

13 - ТОПШИРИҚ

БОЗОРНИНГ ТУРЛАРИ

1. Қандай бозор турларини биласиз?

Жавоб: _____

2. Жадвалда кўрсатилган бозорларда сотиладиган товарларга бештадан мисол келтиринг.

	Бозор турлари			
	Истеъмол товарлар бозори	Ишлаб чиқариш воситалари бозори	Интеллектуал товарлар бозори	Молия бозори
1				
2				
3				
4				
5				

3. Тўғриси топинг.

Хом - ашёлар

А) Меҳнат В) Молия С) Истеъмол товарлар Д) Ишлаб чиқариш воситалари Е) Интеллектуал товарлар

бозорида сотилади.

4. Телевизордан намоиш қилинадиган баъзи кинофильмларни кўчириб олиб, тижорат мақсадида фойдаланиш қатъиян ман қилинади, деб эслатишади. Сиз бундан қандай тушунасиз ва изоҳлайсиз? Барча китобларда учрайдиган © белги ҳақида нима биласиз?

Жавоб: _____

5. Кўйидаги жумлалар тўғри бўлса, мос квадратчага "+", нотўғри бўлса - "-" белги қўйиб, ўз муносабатларингизни билдириңг.

1. Фонд биржасида

хом-ашё сотилади

2. Дарсликлар интеллектуал

товарлар бозорида сотилади.

3. Товар биржаларидан

ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш мумкин.

4. Меҳнат бозорида ишлаб чиқарувчи корхоналар

ва давлат харидор сифатида қатнашади.

5. Пулни сотиш

мумкин эмас.

6. Нотўғриси топинг.

Молия бозорида

А) пуллар қарзга берилади. В) пуллар қарзга олинади. С) қийматли қоғозлар сотилади. Д) хорижий давлат пуллари сотилади. Е) пул зарб этилади.

7. Кўйидаги товарлар қайси бозорда сотилади? Товарларни мос бозорлар билан туташтириңг.



8. Кўйида келтирилган бозорларда ким харидор ва ким сотувчи?

N	Бозор турлари	Харидор	Сотувчи
1.	Интеллектуал товарлар бозори		
2.	Ишлаб чиқариш воситалари бозори		
3.	Меҳнат бозори		
4.	Молия бозори		

Исм-шарифингиз _____

Манзилингиз, мактабингиз ва синфингиз _____



Самарқанд Вилояти, Паёриқ туманидаги
 6-мактабнинг 7-"А" синф ўқувчилари — меҳмонимиз!

ЎЗБЕКИСТОН

Юрагимсан, қалбимсан Ўзбекистоним,
 Озодсан, ободсан менинг маконим,
 Кучоғингда ўйнайман жўшиб, бахтиёр,
 Доимо тинч бўлгин, Ўзбекистоним.
 Боғларинг бордир худди жаннат мисоли,
 Юртбошинг бордир ақл-игрокли,
 Посбонларинг бордир кучли-бақувват,
 Доимо тинч бўлгин, Ўзбекистоним.
 Бошингга тушмасин ҳеч бир фалокат,
 Халқимиз юзидан кетмасин қувонч,
 Ўсиб-ўлғайишин авлодларинг бахтиёр,
 Доимо тинч бўлгин, Ўзбекистоним.

БУВИЖОН

Кечалари онамдек алла айтдингиз менга,
 Фарзандингиздек кўриб, эртақ айтдингиз менга,
 Энди мен ҳам улғайдим, шеърлар ёзайин сизга,
 Сизни севиб онамдек, гуллар тутайин сизга,
 Мен сизни ардоқлайин, меҳрибонсиз бувижон,
 Умрингиз узоқ бўлсин, қадрдоним бувижон.



Лил этиб шохдан-шоҳга
 Ўтиб қочиб қолдинг сен.
 Алдайвер сен бўрини,
 Жонинг омон қолади.

Ҳилола БОЙЗОҚОВА.

ОЛМАҲОН

Сариққина тўнинг бор,
 Момикқина юннинг бор,
 Шохдан-шоҳга сакрайсан,
 Чарчаганинг билмайсан.

Ўзинг кичик бўлсанг ҳам,
 Меҳнатсевар жониворсан.
 Ақли ва доносан,
 Зуккогина ҳайвонсан.

Тулқидек сен айёрсан,
 Лекин қўлинг очикдир.
 Кеча кўрдим бўрини -
 Лақиллатганингни ҳам.

Бўри сенинг инингни
 Бузмоқчидир албатта,
 Бўри қовлаб илдишни
 Йиқитмоқчи дарахтни.

ОРЗУЛАРИМ ҚУЧАМАН

БУЛБУЛЧА

Чаманда булбул
 Сайрайди тўлиб,
 Юракда борин
 Куйлайди тошиб.
 Куйла, булбулжон
 Куйла, куйлайвер!
 Юракда борин
 Қўшиққа солиб
 Сен куйлаганда,
 Тошар шодлигим.
 Сенга қўшилиб
 Келар куйлагим.
 Озод ватанимни
 Келар мақтагим.
 Куйла, булбулжон
 Куйла, куйлайвер!



ОРЗУ

Орзуларни қучаман,
 Доимо аъло ўқиб.
 Қийналмасдан ечаман
 Масалаю мисолни.
 Доимо аъло ўқиб,
 Қилай ватанга хизмат.
 Янгилик қилай бунёд,
 Фанлардан аъло ўқиб.




САМАРҚАНД

Менинг Темур бобом севган юртисан,
 Улувбекни тебратган сенсан, Самарқанд.
 Сенга ҳеч ўхшамайди Америка ҳам,
 Ўрнингни босолмайди Ҳиндистон ҳам.
 Самарқандим, Самарқанд, гўзал Самарқанд,
 Тарихий обидаларга бойсан, Самарқанд.
 Регистону Шохизиндани кўрса барча халқ
 Камолингга жуда қилади ҳавас.

РЕГИСТОН

Самарқанд кўркисан, гўзал Регистон
 Темур бобом қурдирган, гўзал Регистон
 Сенга тенг келолмас Тожи Маҳал ҳам,
 Сенга бас келолмас Кремль ҳам.
 Самарқанднинг фахрисан, гўзал Регистон.
 Раҳим БОБОБЕКОВ.



ОНА ВАТАНИМ - БАХТИМ

ЎҚИТУВЧИМ

Мактуба опа
 Абдусаматовага

Оқилалар зотидан,
 Менинг азиз ўқитувчим.
 Гўзалликда тенги йўқ,
 Жайрон кўзлик ўқитувчим.
 Бизга бор кучин сарфлаб,
 Сўзларидан бол томар.
 Она каби меҳрибон,
 Меҳрга бой ўқитувчим.
 Бу азиз инсон учун
 Ожизман сўз тополмай.
 Совға қилдим байрамга,
 Дилда борим тилга солиб.



Дилдора ИРИСОВА.

ОНА

Осмон бўлсин доим мусаффо
 Бахтимга соғ бўлинг, азизим она.
 Гўдак чоғимдан интилдим сизга,
 Бошимда бўлдингиз доим парвона.
 Шаҳноза ҚАРШИЕВА.



МЕНИНГ ЖОНУ ЖАҲОНИМ

ҒИЙБАТЧИ АЁЛЛАР

Ғийбат қилиб кўчада
 Ўтирар тўрт-беш аёл,
 Мени, сени ғийбат қилиб,
 Қолдирар ҳаммани лол.

Бўйнингга, қилмаган ишни
 Ёпиштириб қўйди,
 Тухмат десам, тухмат эмас,
 Ахир бу қандайин ҳол?!

Ҳар ғийбат қилганида
 Қилади битта гуноҳ,
 Савоб ўрнига гуноҳ...
 Эй! Сўзлашга тилим лол.

Ғийбат қилманг, аёллар,
 Тухмат қилманг, одамлар.
 Агар тухмат қилсангиз
 Бўлиб юрасиз беҳол.

Дадам, аям кетганда
 Бизга бошлиқ опамиз.
 Жаҳллари жуда тез,
 Ундан жуда қўрқамиз.

Пиёла чанг бўлар деб,
 Пиёладан чой ичирмас.
 Ликоблар ёғ бўлар деб,
 Бизга овқат едирмас.

Ўзи эса бемалол
 Ўтиради стулда.
 Ҳатто бизни стулга
 Ўтиришга йўл қўймас.

Дадам, аям келгунча
 Бошлиқ опам бизларга,

ОПАМИЗ

(ҳазил)

Ҳар гапта қўшиб кўяр
 - "Малайманми, сизларга".


Жаҳлимиз чиқиб кетар -
 Мени, синглим, укамнинг.
 Дўппослаб олай десак,
 Кучимиз етмас бизни.

Дадам, аям келгунча
 Биз бурчакда турамиз
 Бундай аҳволимиздан
 Ўзимиз хўрланамиз.

Дадам, аям келгунча
 Бизга бошлиқ опамиз,
 Жаҳллари жуда тез
 Ундан жуда қўрқамиз.

Мамлакат УЛАШОВА.





ВАҚТ МАШИНАСИ

ЁКИ XXI АСРГА МАКТУБ

Ҳа, дарҳақиқат, учинчи минг йиллик кириб келишига 700 кундан сал кўпроқ вақт қолди. Бизнинг авлод чекига янги вақт ҳисобини юргазиб имконияти ҳам туғилди. Ўтказган умримиз, хато камчилиги ютуқларимиз сарҳисобини ўйлаб, тарозига солиш онлари бошланди. Ва буни натижасида ақлли одамлар "Инсониятнинг буюк китоби" деб номланган халқаро лойиҳа ишлаб чиқдилар.

Ҳар бир бола бу китобга кўнглидаги гапларни мактуб тарзида қолдириши мумкин. Йўлланадиган мактублар истаган шаклда - у ҳикоями, сурат, келажак авлодга салом, уларга маслаҳатлардан ташкил топган бўлиши мумкин. Кўп жиддий бу китоб 2001 йили дунёга келади.

Россияликларнинг эътирофича, хоҳиш-истакларига кўра бола-

лар бу китобнинг муаллифлари бўлса айнаи соз. Бироқ, масаланинг бир лекини бор. У ҳам бўлса китобнинг моддий томони. XXI асрга мактуб ёзиб, уни китоб зарварақларига муҳрлаш анча-мунча пул талаб этади. Бу маблағни мактаб ўқувчилари топа олмайдилар-ку. Шунинг учун ҳам катталар бир хулосага келишди. Харажат болаларни ташвишга солмаслиги керак. Денгиз спортчилари федерацияси болаларга ҳомийлик қиладиган бўлди.

Болалар катталарнинг ишончини тўла оқлашди. Бу ишга - учинчи минг йилликка мактуб ёзишдек масъулиятли вазифага битирувчилардан тортиб, саккизинчи, бешинчи ҳатто учинчи синф ўқувчиларигача жиддий киришдилар. Улар киши қалбини ларзага солдиган муаммоларни кўтарибдилар.

"Илтимос, бизнинг хатоларимизни сизлар такрорланганлар, деб ёзади келажак одамларига Настя Федотова. - Бизнинг асримизда ер ва ҳокимият учун урушлар кўп бўлди. Кўчаларимизда оч-яланғоч, касал, қийналган кишиларни учратишимиз мумкин".

"Мен янги асрга инсоният бирор нарсага зориқшини истамайман. Никита Берухин". Алена Калинина истаklarини мана бундай қоғозга туширибди: "XXI асрга инсонлар ўз ҳаётларига ўзлари таҳдид солмасинлар".

"Сизнинг асрингизда ақлли машиналар инсонлар, уларнинг ҳаёти, туйғулари борлигини унутмасин", - дея Антон Баришников истак билдиради.

Ўқувчилар мактубларида келажакларидаги қариндошлари, болалари, набираларини ҳам унутишмади.

"Сизлар - менинг келажаким. Ишонаманки, сизлар яхши, ақлли инсон бўласизлар. Ёрқин ҳаётинглар, фаровон турмушинглар учун қўлимдан келган барча эзгу ишларни қиламан", - дейди Лена Кихальская.

"Инсонлар бир-бирига яхшилик тухфа қилсин. Шунда ўзлари ҳам бахтиёр бўладилар", - дея таъкидлайди Юлия Мурзаева.

Саша Алексашенков бугун жудаям авж олган худбинлик иллатидан бешиб авлодига: "Агар фақат ўз бахтингни ўйласанг, сени дўстларинг ҳам, оиланг ҳам, бахтинг ҳам бўлмайди", - дейди.

Назаримизда бу болалар қимматли мактубларини нафақат келажак учун ёзганлар. Уларнинг хатлари замонамиз олимлари, социологлари учун ҳам битилгандек. Зийрак газетхон ўқувчи эса бугунги дунё болаларининг уйғоқ қалблари безовта эканлигини илғаган бўлса керак-а?!

Нашрга М. МИРСОАТОВА тайёрлади.

"УЛАМА" ОДАМ

Америкалик бизнесмен Бойд Мак-Картни ўзининг саломатлигини тиклаш зарурати туфайли 5 та мураккаб операцияни бошдан кечирди.

1989 йили қандли диабет ҳасталиги ва шу билан боғлиқ равишда ортган артериал қон босими Бойднинг жигари билан буйрагини ишдан чиқарди. Шу сабабли 1989 йилнинг 12 октябрида беморга ёш бабуин (маймуннинг бир тури)нинг буйрагини ўрнатдилар. Роса бир йилдан сўнг, яъни бегона буйрак "ўзлашиб" кетгач, Бойднинг касал жигарини олиб ташлаб, ўрнига бўрининг жигарини тикиб қўйишди. 1981 йилда эса Мак-Картни ҳаёти ҳавф остида қолганди: унинг юраги ялпи инфаркт бўлган. Ўшанда врачлар ёш сиртлоннинг юрагини олиб, беморга ўрнатишганди.

Орадан 2 йил ўтар-ўтмас Бойднинг ўнг кўзи қорачуғи ўрнида уй мушугининг кўзи чақнади. 1994 йилга келиб эса бизнесменни бош мияси безовта қила бошлади. Шунда олимлар ва шифокорлар беморнинг бошига чўчқанинг миясини "улаб" қўйишди.

"Бу одамнинг жасоратига, маҳоратига қойил, айнаи вақтда шунчалик мураккаб операцияларни амалга оширган швед тиббиёти ходимларига ҳам тасанно айтмай илож йўқ", - деб ёзади Швецияда чиқадиган "Экспрессен" газетаси.



Машҳур композитор Бетховеннинг "Тўлин ой сонатаси" жаҳон мусиқа санъатининг қимматли дурдонасидандир. Уни сизлар ҳам тинглагансиз.

Илк бор мен уни ўқувчилар вақтида дугонам Адиба пианинода чалиб берганида эшитганман. Эшитганман-у, яхши кўриб қолганман. Мусиқа мактабини ўқиб туғаллаган Адиба: "Мусиқани тушунишганим, Бетховен ўзининг етиша олмаган севгилисига атаб ёзган", - деб тушунтирган эди. Ўшандан бери шу куйни эшитсам, ўзимча мусиқани англашга, таралаётган дардни ўқишга ҳаракат қиламан. Нозик ҳис-туйғуларни ифодалаган куй ҳаммани ўзига мафтун қилади.

"Тўлин ой сонатаси"ни тинглаб туриб, унинг таъсирини ўз бошидан кечириб учун, асарнинг қандай ҳолатда ёзилганини аниқ билиш керак. Бетховен ўзи куйни 14-сон рақами билан "Соната - фантазия" деб номлаган. "Тўлин ой сонатаси" деган номни композиторнинг ўлимидан кейин шоир Людвиг Рельштаб ўйлаб топган.

Шундай бўлса-да, агар куйнинг тарихини қисқача билиб ол-

сангиз, уни умуман бошқача қабул қиласиз. Куй тарихи эса куйидагича:

Буюк немис композитори Людвиг ван Бетховен ўттиз ёшида, бедаво касалликка учрайди. Бу касаллик унинг қулоқларини бутунлай қар қилиши аниқлигини билиб қолади. Бастакор учун бу қанчалик даҳшатли зарба эканлигини гапирмасак ҳам бўлади. Лекин айнан шу

вақтда композитор катта муҳаббатга дуч келади. Бетховен ўзининг гўзал ўқувчиси Жульетта Гвиччардига уйланишни орзу қилади. Шу муҳаббат бахти уни хасталикдан ҳалос қиладигандай, у ўзининг врачига: "У мени севди, мен ҳам уни севаман" деб ёзади. "Сўнгги икки йилдаги энг ёрқин дақиқаларим шу онлардир".

Аристократлар оиласида тарби-

яланган Жульетта Гвиччарди жуда истеъдодли, машҳур бўлса-да, насли насаби ноаниқ, яна қар бўлаётган ўқитувчиси билан бирга бўла олмасди. Жульетта граф Галенбергга турмушга чиқади. Лекин буюк композиторга бу қаттиқ таъсир қилади.

Бетховен нафақат мусиқа даҳоси, балки кучли ирода соҳиби, ру-


ҳан тетик, нозик ҳислатли буюк шахсдир. "Тўлин ой сонатаси" унинг учун жуда оғир дамларда дунёга келган. Куйнинг ҳақиқий номи "Соната фантазия" тагига Бетховен шундай деб ёзади: "Графиня Жульетта Гвиччардига бағишланади".

Энди яна куйни эсланг. Юрак-юракдан уни тушунишга ҳаракат қилинг. Куйнинг биринчи қисмида ҳеч қачон эшитмаган қайғу-аламни эшитасиз, иккинчи қисмида аввал англамаган беғубор ва мунгли табассумни илғайсиз, куйнинг сўнгидан эса қайғу изтироб дарёсидан қутулиб, отилиб чиқмоққа шайланган ниятни уқасиз. Бетховен айтгандек: "Тақдирнинг халқумидан ушлаб оламан, мени синдиришга йўл қўймайман".

Ҳаётнинг қизиқлигини қаранг. Агар Бетховен асарига қайд қилмаганда, қачондир Венада яшаган графиняни ким ҳам билган бўларди. Бетховен уни абадийликка муҳр қилди. Ҳозирги кунда 14-сон рақамли Бетховен ноталарини очганимизда ёзувга кўзимиз тушади: "Графиня Жульетта Гвиччардига бағишланади".

М. ИКРОМОВА.





ЮЗИНГИЗНИ ОҚАРТИРАДИ

Ҳар куни бир марта петрушка илдизи шарбати аралашмаси билан ювилган юз яхши оқаради. Бунинг учун янги юлинган петрушканинг ил-

дизи майдаланиб (иложи бўлса қий-малаб), сувга солиб қўйилади. Эртасига уни сузгичдан ўтказиш ва юзни ювиш кифоя.

СЕПКИЛНИ БЕРКИТИШ

Сепкил доғни йўқо-тишининг йўли кўп. Улардан бири мана бу:

2 ош қошиқ гуруч уни (ёки буғдой уни)ни 1 ош қошиқ уксус ва 1 чой қошиқ асал билан яхшилаб аралаштирилади. Аралашмани фақат сепкил устига юпқагина қилиб



суртиб қўйилади. Ярим соатдан сўнг уни қуруқ пахта билан артиб олиш ва юзни илиқ сувда ювиш керак. Шундан сўнг доғни 3%ли перекис водород билан хўллаш керак.

Бу муолажа 2-3 ҳафта давомида ҳар куни бажарилса, юздаги сепкил йўқолиб кетади, ҳеч бўлмаганда у кўзга ташланмайдиган даражада хиралашади.

ОШХОНАМИЗ - САРИШТА, УНДА ЯШАР ФАРИШТА

Озиқ-овқатта ишлатиладиган янги алюминий ва сирланган идишлар ишлатилмай туриб ичимлик содаси ёки совунли иссиқ сувда обдон ювилади.

Алюмин товани ювгандан сўнг қуруқ туз билан яхшилаб ишқалаб юбориш зарур.

Сирти сирланган алюмин идишларни ювишда доим юмшоқ латта ёки булут (губка)дан фойдаланиш керак. Бунақа идишларни кир порошоги, жилвир қоғоз (қум қоғоз), қум ёки кул билан ишқалаш ярамайди.

Агар костреюлда овқат қуйиб кетган бўлса, бу идишга содали сув (2 литр сувга 1 чой қошиқ сода) солиб қайнатиш зарур. Сода ўрнига икки-учта бош пиёз қайнатилса ҳам қуйинди кетади.

Духовкага қўйган идишда пайдо бўлган жигар ранг доғни эса нам туз билан артиб кетказиш мумкин. Идиш ичидаги қорани кетказиш учун унда уксусли сув қайнатиш тавсия этилади (идиш қопқоғини ёпган ҳолда, албатта).

Узоқ вақт ишлатилган костреюлда нохуш ҳид пайдо бўлади. Бунинг олдини олиш учун эса алюминий ва сирланган костреюларни вақти-вақти билан ушоқланган писта кўмир (ёнган ёғочдан қолган қуйинди) билан артиб, тозалаб туриш талаб этилади.

Пақир (челак)лар ичида сув чўкиндилари қолиб оқиш-сарғиш доғ пайдо бўлади. Буни уксусга хўлланилган латта билан артиб тозалашади. Сўнг уни совунли ёки содали сув билан ювиб, бир неча марта тоза сувда чайиш зарур.

Сирланган идишларни узоқ вақт чидасин десангиз, унга сув тўлатиб роса қайнатинг, сўнг оловдан олиб қўйиб ундан сув совигунча қўйиб қўйинг. Шунда бундай идишнинг сир мустаҳкамланади.

Сирти "қумушланган" (никелланган) идишларни ҳам ишлатишда хушёрлик зарур.

Бундай идишни ювгандан сўнг сиртини обдон артиб, қуритиб қўйиш зарур. Уларни фақат қайноққина сув билан ювиш талаб этилади. Қум, кул ёки гишт кукуни ва сода билар ҳаргиз ювманг! Мабодо никелланган идиш сирти доғланган, кирланган бўлса, яхшиси уни бўр (оддий мел)ни майдалаб, юмшоқ латтага теккизиб, оҳиста ишқалаб ювишни маслаҳат берамиз.

Юқорида айтилган оддий усулларга амал қилсангиз, сиз тутган ошхона жиҳозлари ярқираб, доимо янгидай туради, узоқ чидайди.

ТУМОВНИНГ ДАВОСИ

Тумов бўлганда кўриладиган талбир-амаллар қуйидагича:

Киши нохуш кайфият сезиб, бурун қичиша бошлаганида фурсат ўтказмай хардалли (горчицали) қоғозларни илиқ сувга намлаб, оёқ остларига боғлаб қўйиши маъқул кўрилади. Боғлам устидан жун пайпоқ кийилиб, 1-2 соат ўтгач, хардалли қоғозлар олиниб, бироз юрилади. Бундай соғда амал уйқудан олдин қўлланиши ижобий натижасини кўрсатади.

● Тумовнинг бошланиш чоғида бош пиёз ёхуд саримсоқни қирқиб, тез-тез искаб туриш дарднинг зўрайишидан холи қилади.

● Айни тумов хуруж этган пайтида лавлагининг сархил шарбати билан асил асал билан тенг миқдорда аралаштирилиб, ярим пиёладан кунига 3 марта ичилиши дардга малҳамлик қилади.

● Бурундан қуюқлашган суюқлик кела бошлагач, лавлагининг қайнатма шарбати ташқи муолажа сифатида фойдаланилса, азият енгил ўтади.

● Тумовга дучор бўлишнинг дастлабки вақтида хона шароитида ўстирилувчи каланхой ўсимлигининг барг ширасидан бурун катаklarига суртилиши хасталикнинг осон ўтишига ёрдам беради.

МУРТАК БЕЗЛАРИ ЯЛЛИҒЛАНИШИ (АНГИНА)ДА ЛОЗИМ КЎРИЛАДИГАН МУОЛАЖАЛАР

Умуман, муртак безларининг яллиғланиши юкумли бўлиб, улар оғатга стрептокок, стафилокок ва бошқа микроблар воситасида пайдо бўлади.

Касаллик муртак безларининг қизариши ёки улар юзасида иллатли пардаларнинг пайдо бўлиши билан кечиши мумкин. Хасталик ўз вақтида даволанмаса, нохуш асоратларни келтириб чиқариши мумкин.

● Лавлаги бир стакан миқдорда қирғичдан ўтказилади-да, унга 1 ош қошиқ сирка қуйилиб, дамлаб қолдирилади. Сўнгра аралашма шарбати сиқиб олиниб, оғиз ва томоқ чайилади, бироз (1-2 ош қошиқ миқдорда) ютилади.

● Анжир меваларининг қайнатмаси истеъмол этилса, муртак безларининг яллиғланишига ижобий таъсир кўрсатади.

● Бош пиёзнинг майдаланган қуруқ пўстловидан 3 чой қошиқ олиниб, 1 стакан сув билан 4 соат давомида дамлангач, сузилиб шарбати билан оғиз чайилади.

● Бир чимдим аччиқтош сувда эритилиб, илиқ ҳолида оғиз чайиландиган бўлса, муртак безларининг яллиғланиб туришига хотима берилади.


● Қорақат (қора смородина) меваларининг шарбати олиниб, сув билан суюлтирилган ҳолда оғиз бўшлиғи чайқалади.

● Касалликнинг дастлабки даврларида пўстлоғи қобигидан холи этилган лимондан 2-3 қирқим олиниб, оғизда шимиб туриш жараёни билан бирин-кетин ютиб юборилади.

ДЕНГИЗ ЧИҒАНОҚЛАРИНИ ПУЛ ЎРНИДА ИШЛАТИШМОҚДА

бэнк" деб номланган чиганок банк ташкил этди. У бундан бир неча йил олдин табу номли битта чиганок (связкаси) 2 кин (миллий валюта) туришини, ҳозир эса 1 та табу 5 кин эканини аниқлади. Шундан келиб чиқиб тадбиркор банк очди. Унинг банки аҳолидан чекланмаган миқдорда чиганок сотиб олаётир, харидорларга, аниқроғи мижозларга ҳам пул ўрнида қарзга чиганок "бериб туради".

"Юниверсал бэнк"нинг ялпи айланма маблағи ҳозир 4 миллион (связок), яъни 8 миллион кинга етди. Бу - 3,7 миллион АҚШ доллари демек!



Сиз - ёш иқтисодчилар пул тарихига оид маълумотлардан яхши биласиз: ўтмишда - қоғоз ва металл пул жорий этилмаган даврларда одамлар табиий маҳсулотларни пул-тўлов воситаси ўрнида ишлатганлар.

Буни қарангки, тарих гилдираги чиндан ҳам айланиб тураркан. "ИТАР-ТАСС" агентлигининг хабарига қараганда, Папуа - Янги Гвинея (Шарқий Янги Британия округи)да муомалада денгиз чиганокларидан фойдаланиш расм бўлибди ва ер майдонидан фойдаланганлик ҳақини тўлашда чиганоклар берилмоқда.


Тадбиркор Генри Токубак "Юниверсал

ЎТТАН СОНДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН „ДОМИНО - РОМ“НИНГ ЖАВОБИ:

Квадрат шаклидаги ромнинг 4 томони йиғиндиси $4 \times 4 = 176$ бўлиши керак. Бу доминолар мажмуидаги тошлар ўйиқларининг умумий йиғиндиси (168)дан 8 та кўп дегани. Бу фарқ квадрат бурчакларидаги тошлар 2 марта (2 таш томонларни ҳисоблашда ҳам) саналганининг оқибатидир. Мана шу сабабли маълум бўлдики, квадратнинг 4 тала бурчагидаги тошлар ўйиқлари сони йиғиндиси - 8. Демак, биз мавжуд 28 та тош ёрдамида ҳосил қиладиган квадратнинг тўрттала томонида ҳам рақамлар йиғиндиси 44 чиқадиган тарзда квадрат ясаши мумкин



БАЛИҚЛАР ЭШИТА ОЛАДИМИ?



Балиқ овига чиққанингизда, балиқларни қўрқитмаслик учун анҳор ёқалаб оёқ учида ўришингизга тўғри келганми? Агар балиқ сизнинг овозингизни эшитиб қолса, тезда бошқа хавфсизроқ жойга сузиб кетади, чунки балиқларнинг ҳам эшитадиган қулоғи бор. Лекин балиқларнинг қулоғи биз кўниккандек, ташқарида эмас, ичкаридадир.

Одамлар биз ҳаётини муҳим деб ҳисоблайдиган функцияларнинг айримлари балиқларда йўқ, деб ўйлайдилар. Балки бу фикр туғилишига балиқларнинг совуқ қонли экани сабаб бўлгандир. Балки бу фикр бизга балиқ овлаш ёққани ва уларнинг нима юз бераётганини тушунамайди, деб ўйлашимиздан туғилгандир. Не ажабки, балиқларнинг бошқа ҳайвонлар қатори асаб системаси бор. Мабодо биз уларга хавф туғдирсак, улар буни дарров фаҳм этадилар, бордию оғриқ етказсак, улар бу оғриқни ҳис этадилар.


Балиқларнинг сезги ва ҳид билиш аъзоси жуда тараққий этган. Улар буни териси орқали, бурун тешиклари учида жойлашган иккита кичкина сезги аъзолари билан ҳис этадилар.

Балиқларнинг совуқ қонлиларга мансуб бўлиши, бу - уларнинг ўз ҳаракатини "ёнилғи" сиз ҳам таъминлай олади, деган маънони англатмайди. Табиийки, овқат унинг учун "ёнилғидир". У балиқ қорнида ўз-ўзидан ёниб кетади ва уни ҳаётини куч билан таъминлайди.

Қон нафақат бу кучни, балки унинг "ёнишига" ёрдам берадиган кислородни ҳам балиқнинг барча ички аъзоларига тарқатади. Балиқнинг ҳам одамларники сингари юраги бор ва у организмни қон билан таъминлаб туради.

Албатта, балиқлар турли шароитларда яшайдилар ва кўп жиҳатдан бир-биридан фарқланадилар. Масалан, бир тур балиқнинг нафас олиш учун ҳам ойқулоғи бор, ҳам ўпкаси! Форларда яшайдиган баъзи бир балиқларнинг кўзи кўр бўлади, шу сабабли уларнинг бошида мўйловчаси бор. Айримлари денгизда яшаса, бошқалари чучук сувда яшайди. Балиқларнинг фақат океанлар тубида ҳаёт кечирадиган турлари ҳам мавжуд.

САТУРН ХАЛҚАЛАРИ НИМА?



Осмонни биринчи бўлиб телескоп ёрдамида тадқиқ қилган буюк итальян олими Галилей 1610 йилда Қуёш системасида сайёралардан бири - Сатурн - Зухалнинг қизиқ бир хусусиятга эга эканини кузатди. У Зухалнинг икки ёнида қандайдир бўртиқлар мавжудлигини кўрди.

1655 йили нидерланд олими Кристиан Ҳюйгенв Галилейникига нисбатан кучлироқ телескоп ёрдамида Зухални тадқиқ қилди. У кузатган манзара шу даражада ҳайратланарли эдики, олим кўрган нарсаси ҳақида бировга оғиз очишдан ҳам қўрқиб кетди. Шунинг учун у ўз кузатишларини махсус шифрлар ёрдамида кундалигига ёзиб қолдирди. Кейинчалик кундалик ўқилганда, шундай сатрларга дуч келинди: "Қуёш бир йилда айланиб чиқадиган фазовий доира - эклиптикага қиялаган Зухал ўз юзасига тегмайдиган юпқа ва ясси халқа билан ўралган".

Илк кузатувчиларни бениҳоя ҳайратга солган Зухал халқалари шу кунгача Қуёш системасининг энг катта жумбоқларидан бири бўлиб қолмоқда. Бундай ҳодиса Коинотнинг ўрганишга имкон этадиган бошқа бирор ерда учрамайди.

Албатта, Галилей кашфиётидан сўнг одамлар Сатурнни обдон ўрганишди. Зухал Қуёш системасида катталиги жиҳатидан Муштарийдан сўнг иккинчи ўринда туради. Унинг Қуёш атрофида айланиб чиқиш даври 29,5 йилга тенг. Зухал атрофида айланадиган 10 та йўлдош бор. Сайёра юзаси телескоплар ёриб ўтолмайдиган атмосфера билан қопланган. Унинг қобиғи турли металл - маъданли минералидан иборат бўлса ажаб эмас.

Лекин барибир, Зухалнинг ўзига хос хусусияти унинг сирли халқаларидир. Асосий уч халқа айнан бир хил текисликда жойлашган ва бу сайёра экватори текислигига тўғри келади. Халқаларнинг ташқи диаметри, тахминан, 300 000 км.

Халқаларнинг энг ёрқини ўртасидагисидир. Уни ташқи халқадан эни 2900 км. бўлган оралик масофа ажратиб туради. Ички халқа жуда хира кўринади. Космик йўлдошларга ўрнатилган асбоб ёрдамида, бу уч халқадан ташқари яна бир неча ташқи халқалар ва битта ички халқа борлиги ҳам аниқланди. Ташқи халқалар зўрға кўринади. Ички халқа эса, тахминан, Зухал атмосферасида сузиб юрган булутлар баландлигида жойлашган.

Зухал халқалари ўлчами заррадан тортиб 1 км. ва ундан катта миллиардлаб қаттиқ жисмлардан иборат, улар Қуёш нуруни ўзида акс эттиради. Бу жисмлар айлана орбита бўйлаб ҳаракат қилади ва бир-бири билан тўқнашиб кетмайди. Зухалнинг Ердан кўринадиган халқалари ва космик аппаратлар ёрдамида кашф этилган янги халқалар юзлаб нисбатан энсизроқ "халқачалар"дан ташкил топган. Халқаларнинг қалинлиги 1,3 км. дан 20 км. гача этади.

ҚАЙСИ ҲАШАРОТ БОШҚАЛАРИДАН УЗОҚ ЯШАЙДИ?



Негадир табиат Ерда яшайдиган бошқа мавжудотларга нисбатан ҳашаротларга жуда оз умр ато этган.

Кўп минг сонли ҳашаротлар орасида биттаси борки, у ҳайвонот оламида бошқаларидан кўра узоқ яшайди. Чиридоқларга мансуб бўлган бир ҳашарот 17 йил яшайди! Урғочи қирчумолилардан ташқари ҳеч бир ҳашарот узоқ умр кўриш бўйича унга бас кела олмайди.

Бошқа ҳашаротларнинг чиридоққа ҳавас қилиши эҳтимолдан йироқ, чунки у 17 йил ер тагида ухлайди ва 5 ҳафтагина яшаб нобуд бўлиш учун ер юзига чиқади.


Табиатнинг бу митти ҳашаротга нега 17 йил умр ато этганини ҳеч ким билмайди. Шуниси аниқки, чиридоқ ўз тухумини дарахт бутоқларига қўяди. Жажжи чиридоқлар тухумни ёриб чиққач, пастга тушиб кетади ва ерни кавлаб, илдизларга чирмашиб олади. Улар гумбак бўлиб олиб, ҳаракатсиз ётади ва илдиз сувларидан озикланиб, 17 йил яшайди.

Мана шу муддат тўлгандан кейин аллақандай куч уларни ёруғликка бошлаб чиқади. Улар дарахтларга чиқиб олади, уларнинг пардаси ёрилади ва каттагина чиридоқ пайдо бўлади.

Айтганча, баъзи пайтлар сиз шаҳар четида эшитиб қоладиган кучли овоз нар чиридоқларга тегишлидир. Чиридоқ урғочисининг жажжи тақсимчаси бўлади ва уни мушаклари билан тебранишга мажбур этади. Олимларнинг тасдиқлашича, чиридоқнинг овоз чиқарадиган аъзолари табиатдаги энг мукамал "муסיқий" аъзолардир.

Чиридоқларнинг 800 дан ошиқ тури бор, бироқ узоқ умр кечирувчи чиридоқ макиёни фақат АҚШда яшайди. Чиридоқларнинг аксарияти икки йил атрофида яшайди.

ҚИЗИЛИШТОН НЕГА ДАРАХТНИ ЎЯДИ?



Қизилиштоннинг дарахтни тўқ-тўқлатиб ўяётганини кўрганимизда, кўпчилигимиз у озор беряпти, деб ўйлаймиз. Афсуски, бунинг ҳаммаси аксинча. Қизилиштон бу ҳаракати билан дарахтнинг ўсишига ёрдам беради.

Қизилиштон дарахтларда яшайдиган қуш. Улар овқатини ҳам дарахтлардан топади. Дарахт пўсти тагида қўнғиз ва ҳашаротлар бекиниб олган бўлади. Улар фақат ташқаридан кўринмайди. Қизилиштон айнан ҳашаротлар бор жойни ўяди ва уларни ейди. Кўп ҳолларда бу ҳашаротлар дарахтлар учун зарарли бўлади.

Қизилиштон дарахт ичидаги ҳашаротлар ўрнашган жойгача қандай тешиб боради? Искана каби ўткир ва кучли тумшурига бу муаммо эмас. Қизилиштоннинг тили жуда галати. Айрим турларининг тили бошидан кўра икки ҳисса узун. Тил кесими айлана, учи қаттиқ ва четларида майда тишлари бор. Тили тумшурига буралиб жойлашади. Қизилиштон ҳашаротни дарахтдан тутганда, у тилини тешигига қадар тика олади.

Қизилиштон фақатгина кўклаб турган дарахтларни ўйиб қолмайди. У ўзининг исканатумшуридан қуриган дарахтларни ўйишда ҳам фойдаланади. Қизилиштон шу ерда ўзига уя ясайди. Баъзи ҳолларда улар гўё кириб-чиқишга мўлжаллангандек, иккита тешик қилади. Иккинчи тешик қизилиштонларнинг уясига қақирилмаган меҳмон келиб қолганда, қочиб кетишига имкон беради.



ЎЙИН МАЙДОНЧАСИ

“ЁШ ИҚТИСОДЧИ”ГА МАКТУБЛАРИНГИЗНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029. Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-уй, 402-хона (Музаффар ПИРМАТОВга).

Мулоқот учун телефон: (371) 139-49-32, Факс: (371) 139-48-23. Пейжер: (088) 30-13

A 3x3 grid of mazes. The illustrations are: top-left: skull and crossed swords; top-middle: a sailing ship; top-right: an open treasure chest; middle-left: a parrot on a branch; middle-middle: a pile of jewelry; middle-right: a running skeleton; bottom-left: a pirate with a parrot; bottom-middle: a pile of jewelry; bottom-right: a running skeleton.

ЖОН СУВЕРГА КЕМАГА БОРИШГА ВА ЎҲА-ЎҲАКАЙ
ҲАММА БОЙЛИКЛАРНИ ЎҚУБ ОЛИШГА ЁРДАМ БЕРИҲ

ПОЛИЦИЯЧЛАРГА ҚАРОҚЧИЛАРНИ ТУТИШГА
ВА ТУТҚИНДАГИЛАРНИ ҚУТҚАРИШГА ЁРДАМ БЕРИҲ

A large maze with illustrations: top-left: two people sitting; top-middle: three people in a room; top-right: a man in a suit; middle-left: three people standing; middle-middle: a car; middle-right: a car with 'Police' written on it; bottom-left: a car; bottom-middle: a man in a hat; bottom-right: a man in a suit.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

Ҳиндистоннинг Ви-сакхапатанам порти-да Бирмага жўнатиш учун йирик шохли қорамоллардан бир тўдасини кемага ортисаётган эди. Шунда

сигирларнинг бири у ёқдан бу ёққа тебраниб турди-да, ўзини ерга таппа ташлади. Бундан шубҳаланган божхона ходимлари ветеринария инспекция-

си билан биргаликда ағдарилган сигирнинг қорнини ёриб кўришган. Маълум бўлишича, сигирнинг қорнида 45 гр олтин қум бор экан. Интроскоп ёрдамида

қайта текширувдан ўтган 350 та жониворнинг ҳар биридан 270 граммдан то 540 гр гача олтин қум борлиги аниқланган.

Шундай қилиб контрабанданинг навбатдаги уришилари инқирозга учради.



ракли маълумотларни: қанча вақт утлагани, қанча ётганини билиб олади.

ҚАСОСКОР МУШУК

Брянсклик Любовь Курчатова Венера лақабли мушугининг болаларини она мушук кучада юрган пайтида сувга чуқтириб юборди. Бироқ, Венера буни сезди. Шунинг учун ҳам Любанинг қулидан овқат емай қуйди. Ёнига, умуман, йуламади ҳам. Бир куни Курчатова 5 ёшли ўғлини бир шапалоқ урди. Шунда мушук Любанинг юзига сапчиди ва тимдалай бошлади. Любани мушук чангалидан эри зўрға ажратиб олди. Бу қилмиши учун қасоскор мушук уйдан ҳайдалди.



— Бир сутка неча соатдан иборат?

— Йигирма беш соатдан.

— Ие, нега?

— Кеча ўзингиз кунлар бир соатга узайди деб айтдингиз-ку, устоз.

— Ҳой бола, деразани сен синдирдингми, тўғриси айтиб, айбонгни бўйнинингга олсанг, жазони ярмини оласан.

Бола савол берди:

— Агар айбимга икки марта иқроор бўлсамчи?



ТОПИШМОҚЛАР


Гул эмас у, боғланган қилиб даста,
Ерни гулга айлантисар бирпасда.

«Чиқ-чиқ» ишлаб толмайди,
Кунда ухлаб қолмайди.

Боши тароқ, думи уроқ.

Қуёшли кунда уйда туради,
Ёмғирли кунда кучага югуради.

Қишда ерга курпа,
ёзда ерга шурва.



Қайси масхарабоз қайси телефонда гаплашяпти

СИГИРЛАР ВА ЭҲМ

Швецариянинг Альп водийси ўтлоқларида боқилаётган сигирларнинг буйнида кўнғир-роқчалар эмас, балки соатга ухшаган асбобларни кўриш мумкин. Бу митти ЭҲМда унинг ёрдамида сигир қаерда ўтлаб юганини аниқ билиб олиш мумкин. Бундан сигирнинг эгаси у ҳақда ке-

АСАЛЛИ ТОРТ

2 дона тухум, 1 пиёла шакар, 2 ош қошиқ асал, 1 чой қошиқ сода.

Мана шу масалликларни сирланган идишга солиб, паст оловда аралаштириб турилади. Шакари эриб, оқ қупиклай бошлаганда оловдан олинади. Сунгра уч пиёла ун солиб, хамир қорилади. Хамирни учта зувалачаларга бўлиб, ҳар бири 0,5 см қалинликда ёйилиб, товага солинади, ва газ печиди сарғиш рангга киргунча пиширилади. Пишиб чиққач, орасига крем суртилади ва усти пардозланади.

БИСКВИТ ТОРТ

5 дона тухумни, 1 пиёла шакар билан қупиртирилади. Ях-

ши қупирган аралашмага 1 пиёла ун солиб, ёланган таги текис қозонга солинади ва қоққоғига сочиқ ураб маҳкам беркитилади. Сунгра паст оловга қуйиб, 45 минут пиширилади. Бу тортнинг фарқи шундаки, уни газ печи ичида эмас балки худди овқат пиширгандек устида пиширилади. 45 минут ўтқач, қозонни қоққоғини очиш мумкин эмас, чунки ишган бисквит чуқиб қолиши мумкин. Шунинг учун обдон совигандан сунгра қоққоқ очилади. Пишган бисквитни устига крем суртиб истаганча безатиш мумкин.

Крем тайёрлаш

1 пиёла сут, 1 пиёла шакар, 1 ош қошиқда ун сирланган идишга солинади ва паст оловда аралаштирилган холда қуюлгунча пиширилади. Сунгра совитилади ва 150 гр сарёғ қушиб аралаштирилади.



ТАРИХГА БИР НАЗАР

«Ўзбектеелефильм» ижодий жамоаси халқимиз тарихи, ўзларининг ижодлари билан дунё илм бешигига муносиб ҳисса қўшган алломалар ҳақидаги фильмларни ҳам тақдим этмоқда. Навбатдаги фильмда Сиз буюк аллома Аҳмад-ал-Фарғоний ҳақидаги маълумотга эга бўласиз. Режиссёр Шухрат Хужаев, оператор Абдулҳаким Қориевлар бобокалонимиз Фарғоний ҳақида ҳикоя қилар эканлар илк тасвирларни қадимий шаҳарлардан бўлмиш Кубо (ҳозирги Кува)дан бошлайдилар. Қадимда Буюк Ипак йулидаги тараққий этган шаҳарда яшаб, илк сабоқларини олган Аҳмад-ал-Фарғонийнинг бунчалар буюкликка етишишида муҳитнинг тутган ўрни ҳақидаги қизиқарли маълумотлар, айна кунларда эски Кубо шаҳрининг қазилмалари, бутун бир шаҳар тасвири, мазкур шаҳар кучалари, ота-боболаримиз яшаган маҳаллалар, уйлар, қадимий ҳунармандчилик, темирчилик, шишасозлик ва бошқа кўплаб ижод маҳсуллари мужассам этилган. Мазкур фильм сизни узоқ тарих билан ошно этади. VII-IX асрлардаги яшаш тарзи, инсонлар ҳаёти ҳақидаги қизиқарли маълумотлар билан танишишга муваффақ бўласиз. Сеҳрли мусиқа остида асталик билан тарих қабрига саёҳат қиласиз. Мусиқа режиссёри Вильям Раҳмоновнинг ҳар бир тасвир, ҳар бир қадимий жиҳозга эътибор қаратувчи мусиқалари фильмни муваффақиятли чиқишига омил бўлган.

Шунингдек, асарда Аҳмад ал-Фарғоний ижоди, унинг яратган асарлари, дунё илмиётида тутган ўрни ҳақидаги қизиқарли маълумотлар, алломалар, олимлар, чет эллик мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари, қадим-шуносларнинг уша давр ҳақидаги ҳикоялари ҳам томошабинни бефарқ қолдирмайди.

«Ўзбектеелефильм» ижодий жамоаси кўплаб болаларга аталган фильмларни ҳам ўз муҳлислариға тақдим этиб келмоқдалар. Эртақларнинг сеҳрли олами билан ошно этадиган «Бахт гуллари» деб номланган уч қисмли фильм тез кунларда эътиборингизга ҳавола этилади. Раёно Солиҳова сценарийси асосида режиссёр Мунид Зокиров суратга олган фильмда Сиз қизиқарли воқеалар, ўзингиз каби ёш кичкинтойларнинг саргузаштлари билан танишасиз. Фильмда эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш қизиқарли воқеалар асосида тасвирини топган. Бешафқат Девнинг одамлар бошига солаётган кулфатлари-ю, асар қаҳрамонлари бўлмиш болаларнинг унга қарши курашлари, бахт гулини топиш йулидаги қизиқарли саргузаштлар жажжи муҳлисларни бефарқ қолдирмайди. Фильмдаги бош ролларни Тошкент шаҳридаги мактаб ўқувчиларидан Бобуржон Шукуров, Илёс Қодировлар талқин этганлар. Уларнинг кўплаб образларини Сиз телекўрсатувлар, «Зумраша» ки-

ножурналларида ҳам томоша қилгансиз. Шунингдек, фильмда ўзларининг бетақрор образлари билан сизларнинг

севимли артистларингизга айланиб қолган Меллис Абзалов, Ражаб Адашов, Дилбар Абдулазизова, Зафар Раимов, Ҳакима Отахонова, Фарида Усмонова, Улуғбек Муҳаммадқаримовлар ижросидаги ажойиб қаҳрамонлар билан учрашасиз. Кинода илк бора суратга тушаётган ёш актрисаларимиздан Насиба Асқарова, Нилуфар Ҳамидоваларнинг яратган образлари ҳам сизларга манзур бўлади деган умиддамиз.

Фильмдаги қувноқ қўшиқлар муаллифи Иброҳим Жиянов. Мусиқаларни эса таниқли композитор Улуғбек Солиҳов басталаган. Ушбу кино асари юртимизнинг бетақрор гузал масканларидан бўлмиш Зомин туманида, қуриқхона ҳамда ўрмонларда суратга олинган.

ИЖОДКОРЛАР ДАВРАСИДА

«Ўзбектеелефильм» ижодий жамоаси сизлар асарларини мириқиб ўқиган, телеэкранларда кўплаб фильмлари, спектаклларини томоша қилган ижодкорлар олами билан таништириш мақсадида туркум фильмлар суратга ола бошлади. Яқин кунларда тақдим этиладиган «Ижодкор олами» деб номланган янги ҳужжатли фильм орқали севимли адиблар билан учрашасиз. Ре-

жиссёр Саидботир Аҳмадхужаев бир гуруҳ ижод аҳли ҳаёти, уларнинг фикр-у, уйлари, янги асарлари билан таништириш давомида қизиқарли тасвирлар орқали бетақрор ватан тим-солларини чизади. Пулат Мўмин, Жуманиёз Жабборов, Пиримкул Қодиров, Тўлепберген Қаипбергенов, Уткир Ҳошимовларнинг ижодхоналарида бўласиз, муҳлислар билан учрашув дамларининг гувоҳи бўласиз, ижодкорнинг ҳаёт тарзи билан танишасиз.

Фильм ижодкорлари ҳар бир ёзувчи — шоирнинг ўзига хос томонларини очиб беришга муваффақ бўлганлар. Ким билан фильм орқали гузал шаҳар кўчаларида учрашсангиз, кимгадир муҳлислар даврасида дуч келасиз, уларнинг ҳаёт ҳақидаги, турмуш, яшаш, инсонга аталган умрни қандай сарфлаш мужассам бўлган фикрлари билан ошно бўласиз. Сиз севиб мутоала қилган асарларнинг яратилиш тарихи, уларнинг қаҳрамонлари ҳақидаги қизиқарли маълумотларни фильм орқали олишингиз мумкин. Ўзларининг бетақрор асарлари билан Сизнинг қалбингизни ром этган адиблар даврасида бўлсангиз асло зерикмайсиз. Уларнинг ички кечинмалари, Сизларга айтишга чоғланган сўзларидан огоҳ бўласиз. Бир сўз билан айтганда фильм халқимиз ардоғидаги кишилар ҳаётидан ҳикоя қилади.

Салоҳиддин СИРОЖИДИНОВ.

**ОЙНАИ — ЖАҲОН БОЛАЛАРГА****СЕШАНБА, 22 ДЕКАБРЬ****ЎзТВ-1**

9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». 5-қисм.
10.05 Алифбо сабоқлари.
12.05 «Мактублар — кабутарлар».
12.55 Кундузги сеанс. «Чинор остидаги дуэль». Бадийий фильм.
18.10 «Велосипед қочиб кетди» мультфильм.
20.15 «Оқшом эртақлари».
21.05 «Акс садо».

ЎзТВ-2

18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 5-қисм.

ЎзТВ-3

18.10 Болалар учун «Энди эртақ бошланади», «Ёрилтош». Мульттуплам.

ЎзТВ-4

16.50 «Мультсайёра».
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар».

ЧОРШАНБА, 23 ДЕКАБРЬ**ЎзТВ-1**

10.05 Янги алфбони урганамиз.
10.35 «Яшил чироқ» телемусобақа.
11.30 «Акс садо».
12.45 «Ўз ихтиёри билан». Бадийий фильм.
18.10 «Ҳикматнома».
20.10 «Оқшом эртақлари».
22.45 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». 6-қисм.

ЎзТВ-2

18.05 «Янги авлод» студияси намоиш этади. (Спорт майдончаси, «Жажжи давра», Мульттомоша»).

18.40 «Семург» усмирлар учун ахборот кунгли очар дастур.

ЎзТВ-3

18.10 «Ёрилтош» мульттуплам.
21.05 «Хайрли оқшом».

ЎзТВ-4

16.50 «Мультсайёра».
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар».

ПАЙШАНБА, 24 ДЕКАБРЬ**ЎзТВ-1**

18.10 «Қойилмақом Гоша». Мультфильм.
20.10 «Оқшом эртақлари».

ЎзТВ-2

18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
19.25 Табобат оламида.

ЎзТВ-3

18.10 «Ёрилтош» мульттуплам.
18.20 «Билиб қуйган яхши».

ЎзТВ-4

16.50 «Мультсайёра».

ЖУМА, 25 ДЕКАБРЬ**ЎзТВ-1**

10.05 Немис тили.
18.35 «Билим—ринг».
20.10 «Оқшом эртақлари».

ЎзТВ-2

18.05 «Янги авлод» студияси намоиш этади.
«Қизиқарли хабарлар», «Эркатой», «Мульттомоша».

ЎзТВ-3

18.10 «Ёрилтош» мульттуплам.

ЎзТВ-4

16.50 Мультсайёра.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

ШАНБА, 26 ДЕКАБРЬ**ЎзТВ-1**

8.00 Ўзбектеелефильм намоиш этади. «Баҳовуддин Нақшбанд». «Умид» намоиш этади:
10.10 «Соғлом авлод учун».
10.30 «Мен билган, билмаган дунё»
11.10 Кундузги сеанс: «Ор-

зулар камалиги» бадийий фильм.
18.00 «Омад юлдузи» Телеуйин.
18.35 «Сеҳрли шуъла» кинокурсатув.
19.55 «Оқшом эртақлари».

ЎзТВ-2

9.00 «Янги авлод» студияси намоиш этади:
1. Бугуннинг боласи.
2. «Уй вазифаси».
3. «Жажжи давра».
4. «Мульттомоша».
11.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари» телесериал.
18.00 «Янги авлод» студияси намоиш этади:
1. «Буш утирма».
2. Мульттомоша.

ЎзТВ-3

9.00 «Ёрилтош» мульттуплам.
9.30 «Ер курраси».
11.30 «Болажонлар экрани».
13.00 «Билиб қуйган яхши».
18.00 «Ёрилтош» мульттуплам.
18.40 «Олис юлдуз шуъласи».
19.00 «Ёввойи табиат».

ЎзТВ-4

9.00 Кинотасма.
13.30 Биргаликда куйлаймиз!
14.15 «Жонли тил».
14.45 «Умид».
18.50 Бинафша.
19.35 Тенгдошлар.

ЯКШАНБА, 27 ДЕКАБРЬ**ЎзТВ-1**

9.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур. «Умид» намоиш этади.
10.00 Ватанимга хизмат қилман.
11.00 «Нурли келажак».
18.00 «Олтин тож» телеуйин.

ЎзТВ-2

9.00 «Янги авлод» студияси намоиш этади:
1. «Қизиқарли хабарлар».
2. «Спорт майдончаси».
3. «Буш утирма».
4. Мульттомоша.
10.45 «Кусто командасининг

сув ости саргузаштлари» телесериал.

11.35 «Цирк, Цирк, Цирк!».
13.10 «Синфлор».
18.05 «Янги авлод» студияси намоиш этади:
1. «Олтин калит».
2. Мульттомоша.

ЎзТВ-4

9.05 Эртақларнинг сеҳрли олами.
10.45 Жонли сайёра.
12.40 Табиат билан олишув.
18.50 Бу ажиб дунё.

ДУШАНБА, 28 ДЕКАБРЬ

Яхшилаб жойлашиб олдим, энди бемалол кўравераман, — дейди телевизор олдидаги Гулноза.

Скелет одамларда ва ҳамма умуртқали ҳайвонларда организмни сиртидан ўраб туради ва ташқи муҳитдан бўладиган турли туман таъсирлардан сақлайди.

Скелет организмда асосан уч хил вазифани, таянч, суянчиқ, ҳаракат ва организмни ҳимоя этиш вазифаларини бажаради.

Скелетнинг алоҳида сирлари орасида вужудга келган бўшлиқлар ҳимоя вазифасини бажаради. Масалан, барча умуртқалар йиғилиб, умумий канал ҳосил қиладиким, унда орқа мия жойлашган бўлади. Бош мияни муҳофаза қилиш учун калла суяқларидан ҳосил бўлган калланинг мия бўшлиғи, юрак вубкаларини сақлашга мослашган. Кукрак қафаси, тўғри ичакни ва жинсий аъзоларни ташқи таъсирдан сақлаб турадиган чаноқ бўшлиқлари шулар жумласидандир.

Булардан ташқари, суяқлар организмнинг биологик мудофаасини бажарадиган ва қон таначаларини вужудга келтирадиган суяк илигини сақлаб туради ва қон яратувчи асосий манба ҳисобланади. Одам скелети 200дан ортиқ суяқлардан тузилган, кўпчилиги жуфт суяқлардир.

Ёш болалар (ёш организм) суяқларининг таркибида органик моддалар кўп

суяқлари қадди-қоматлари ҳунук бўлиб қолиши, бу эса кўпинча ички аъзолар ёки суяқларнинг ҳар хил касалликларга олиб келиши мумкин. Баъзан гавда турли касалликлар натижасида ҳам нотўғри ўсади.

Суяк таркибида органик ва анорганик моддалардан ташқари витаминлар А ва С ҳам бўлади. Ёш болалар суяги таркибида тузлар ҳамда витамин етишмас-

назорат қилиб туришлари шарт.

Суякда органик ва анорганик моддалар бўлганидан у эластик ва қаттиқ (пишиқ) бўлади. Нормал суяк, таъбир жойиз бўлса дуб дарахтидан пишиқ, гранитдек қаттиқ бўлиб, мис ва темирга тенг келади.

Суяк қаваклари ҳамма вақт суяк илиги билан тўла бўлади. Суякилиги биз юқорида айтганимиз органи-



ганда тана скелетининг тузилишига боғлиқ.

Қадди-қомат расолиги суяқларнинг тўғри ўсиши аввало одамнинг узига боғлиқ. Ота-оналар ўз фарзандларини тўғри овқатлантиришлари, уларни ёшига қараб (врач тавсияси билан) бадан тарбия билан шуғуллантирмоқлари даркор.

Мактабгача тарбия муассасаларида тарбиячилар, мактабларда эса шифокорлар, ўқитувчилар болаларни тўғри юриш, ўтиришга, меҳнатга ўргатишлари керак.

Р.ХУДОЙБЕРДИЕВ,
профессор.

ОДАМ СКЕЛЕТИ ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ


бўлади, шунинг учун улар эгилувчан бўлади. Ёш улғайиб борган сари минерал тузлар суяк таркибида кўпаяди, шунинг учун қари-лар суяги эластиклигини аста-секин йўқотиб, мўрт ва тез синувчан бўлиб қолади. Юқорида айтилганларга қўра, агар болалар ёшлик чоғларида боғча ва мактабларда нотўғри ўтириб ўйнасалар, нотўғри овқатлансалар ёки дарс қилсалар уларнинг суяқлари нотўғри ўсиб, уларнинг

лиги бронхит касаллигига олиб келади. Бунда суяк мўрт бўлиб қолади, тана ўсиш жараёнида ҳар томонга қийшайиб қолиши мумкин. Агар суякда витамин А етишмаса суяк бир қадар йўғонлашиб, унинг ичидаги қавакчалар ва ҳар хил каналчалар катталашиб кетади. Шунинг учун ёш болаларни ҳамма вақт болалар шифокори назоратидан ўтказиб, у берган маслаҳатларга қатъий риоя қилиш керак. Шунда болалар соғлом ва қадди-қомати келишган бўлиб ўсади.

Гавда тузилишининг нотўғри бўлишига ҳар хил касблар ҳам таъсир қилади. Доимо бир хил ҳолатда туриб ёки ўтириб ишлаш тана тузилишига таъсир этади. Шу сабабли завод, фабрикалардаги корхоналар ва мактаблардаги шифокорлар мазкур касбдаги ишчилар ва ўқувчиларнинг маълум вақтларда гимнастика билан шуғулланишларини ташкил этишлари ва бу ишнинг бажарилишини

змга қон элиментлари ишлаб беради ва муҳим биологик вазифани бажаради. Илик сариқ ва қизил бўлади. Сариқ илик, асосан, ҳужайралардан иборат бўлса, қизил илик рецекула тўқимасидан иборат, но-зик қизил масса бўлиб унда қон томирлар кўп. Қон томирлари иликнинг ва суякнинг ички қаватларини қон билан таъминлайди.

Одам танасининг хушбичим бўлиши ана шу суяқларнинг ёки бошқача айт-




СКЕЛЕТ (Орқадан кўриниши)

- 1 — калла суяги,
- 2 — буйин умуртқаси,
- 3 — курак суяги,
- 4 — елка суяги,
- 5 — тирсак суяги,
- 6 — биллак суяги,
- 7 — қўл панжаси суяги,
- 8 — курак умуртқалари,
- 9 — курак қафаси,
- 10 — бел умуртқалари,
- 11 — думгаза суяги,
- 12 — тос суяги,
- 13 — сон суяги,
- 14 — катта болдир суяги,
- 15 — кичик болдир суяги,
- 16 — товон суяги.

СКЕЛЕТ (Олд томондан кўриниши)

- 1 — калла суяги,
- 2 — ёноқ суяги,
- 3 — буйин умуртқалари,
- 4 — умров суяги,
- 5 — курак суяги,
- 6 — елка суяги,
- 7 — биллак суяги,
- 8 — тирсак суяги,
- 9 — кафт суяқлари,
- 10 — курак қафаси,
- 11 — туш суяги,
- 12 — бел умуртқалари,
- 13 — тос суяги,
- 14 — думгаза суяги,
- 15 — сон суяги,
- 16 — катта болдир суяги,
- 17 — кичик болдир суяги,
- 18 — оёқ панжасининг суяги.



НЕГА?

1. Нега ўрдак лапанглаб чайқалиб юради, товук эса йўқ?

Ўрдак тинч турганда унинг тик йўналган оғирлик кучи вектори унинг оёқлари остидан ўтмасдан бир оз олдинроқдан ўтади. Шунинг учун ўрдак бир оёғини кўтарганда (юраётганда) йиқилиб тушмаслик учун оғирлик марказини тескари томонга, иккинчи оёғи томонига кўчиради, яъни лапанглаб чайқалади. Товуқнинг оғирлик маркази эса ҳар доим таянч юзасининг чап тепасида жойлашган бўлади. Шунинг учун лапанглаб чайқалмасдан бемалол

юради.

2. Нега туз кристалларининг ранги йўқлигига қарамасдан улар биргаликда оқ ёки сарғиш рангни олади?

Туз кристаллари бирга-



ликда олиб қаралганда ёруғлик нурлари кўзимизга тушгунга қадар, туз кристалларига кўп марта ури-

либ «сочилади». Шунинг учун ҳам тузнинг ранги оқ ёки сарғиш туюлади. Худди шунга ўхшаш, чил-парчин бўлиб синган рангсиз шиша бўлақлари ҳам бирпасда оппоқ тусга кириб қолади.

3. Нега ҳўл қоғоз куруқ қоғозга нисбатан осонроқ йиртилади?

Ҳўл қоғоз толалари сув билан ҳўлланиб улар орасидаги ишқаланиш камайган бўлади. Шунинг учун осонроқ йиртилади.

4. Нега қўл соатларининг мурватини кечқурун эмас, эрталаб бураш тавсия этилади?

Кун бўйи «толиққан» қўл соати пружинаси қўл

ҳарорати билан исиб ўз эластиклигини қисман йўқотади. Шунинг учун мурвати кечқурун буралганда пружинанинг узилиб кетиш хавфи эрталабкига қараганда кўпроқ бўлади.

5. Нега тоза қор чанг босган ифлос қорга нисбатан секинроқ эрийди?

Чанг босган ифлос қорнинг қуёш нурини ютиш хусусияти тоза қорга нисбатан кўпроқ бўлади. Тоза қор заррачалари қуёш нури энергиясининг кўп қисмини қайтаради.

6. Нега ичига қанд ташланган чой қандсиз чойга нисбатан тезроқ совийди?


Қанд устига қуйилган қайноқ чой ички энергиясининг бир қисми қандни

эритишга сарфланади. Шунинг учун ширин чой оддий чойга нисбатан тезроқ совийди.

7. Нега кичкина металл парчаси сувда чўкиб кетади-ю, металлдан ишланган баҳайбат кема чўкмайди?

Кема баҳайбат бўлгани билан унинг эгалланган ҳажмига нисбатан ўртача зичлиги сувнинг зичлигига нисбатан анча кам. Шунинг учун ўз ҳажмига нисбатан жуда кам ҳажмдаги сувни сиқиб чиқариб, бемалол сузиб юраверади. Металл парчасининг зичлиги эса сувниқидан бир неча баробар кўп, шунинг учун у чўкиб кетади.

Қодир ЖАЛИЛОВ



Қайроқтош
Сўз санъатининг турлари сероб. Лекин, вақт ўтгандан сўнг айрим турлари унутилади, айримлари эса фаоллашади. Унутилган турлар ҳам гоҳ-гоҳ товуш чиқаради — тирилади. Агар ўқувчи унутмаган бўлса, бир пайтлар Эркин ВОҲИДОВ «Қ...қ...қ...» товушлари билан бошланадиган ишқий шеър ёзган эди («Қалам қошинг, қайрилма қошинг қиз» каби). Уша шеър назаримизда, бор-йўғи саккиз қатор эди, холос. Чамаси, бундай йўсунда ёзилган асарларни «тўқ тажнис» дейиш мумкин. Бу ниҳоятда мушкул эканини Сўз ўйинларининг шинавандалари билсалар қарак. Хўш, бундай йўлда яратилган «сўз ўйинлари»ни тўлақонли бадиий асар дейиш мумкинми? ФИТРАТ домланинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари бундай экан: «Таълиф ё тасниф атаган адабий юмуш билан майдонга чиққан нарсалар «асар» дейилади. Бир асарни ёзганда зехнимизнинг юмуши (хизмати) турли тусларга киради. Ёзувчи — адиб бошда шу тўғрида ёзилаётган бир нарсани топадилар. Сўнгра шу нарса тўғрисидаги ўйлар, туйғуларни ахтариб, топиб йиғадир. «Зехний юмуш»нинг бу бўлимига «ижод» (бор этиш, яратиш) дейилади».

Демак, «сўз ўйинлари» ҳам ижод намунаси дейилса, адабиётчиларнинг Асакаси кетмас экан. Қолаверса, бундай асар ўқувчи зехнини қайрашга хизмат қилса, нур устига аъло нур бўларди.

«Бўладиган бола» тажнисининг (?) муаллифи Қодир ЖАЛИЛОВ асли қувалик, санъаткорлар даврасида суяги қотган. Бу асарни «Тонг юлдузи» қароргоҳида ўзлари сўйлаб бераётган пайтда ҳатто жиринг-жиринг қилаётган телефонлар ҳам жилмайиб кўйди. Демак, «Бўладиган бола»ни ўқигандан кўра, муаллиф оғзидан эшитиш мароқлидир. Афсуски, газетада бундай имконият йўқ. Балки, Республика телевидениесининг Болалар курсатуви «Тонг юлдузи» кашф этган Қодир Жалиловнинг истеъдод қирраларини тўла-тўқис рўёбга чиқарар... Кошкийди! Ахир, хайрли ишнинг кечи бўлмас!

Бадриддинов Баҳодир билан Ботиров Бахтиёр бешта бешболалик болалар билан биргалашиб, Баҳодирнинг бобосиникига — Бувайдага боришибди. Бориб билишларича, Баҳодирнинг бобосини боғи боркан. Боғида бодоми, бедаси, беҳиси, беданаси бешта буқасиям боракан. Бу болаларнинг бари биргалашиб борганда Баҳодирни бобосининг буқаларидан биттаси бўшалиб, бошга битган бало бўлаётганакан. Бешболалик беш бола бир бўлиб, бирданига буқани босишибди. Босишиб боғлашибди. Боғдаги бодомга белидан,

бўйнидан, бурнидан, болдирдан боғлашиб бўлиб, болаларнинг бари боғдаги бедалардан буқага бир боғ-бир боғдан беришибди. Бедалардан бериб бўлишиб, бари болалар Баҳодирнинг бобоси бошчилигида Балиқчига балиққа боришибди... Балиққа боришгач, Баҳодир билан Бахтиёр белигача бот-

қоққа ботишибди. Бўлмасам, бу болалар боксчи бўлишган. Бешболалик болаларнинг бешаласиям билимдон бўлишган — булар билимдон бўлишганидан ботқоққа ботишмаган. Билимдон бўлишмаганда, буларам ботқоққа ботишарди. Баҳодир билан Бахтиёр боксчи бўлишсаям

ботқоққа ботишган. Бўлмасам, булар Бразилияга боксдан биринчиликкаям боришган! Боксдан биринчиликка боришганда Баҳодир биринчи бўлган, Бахтиёр бешинчи бўлган. Бахтиёр Баҳодирдан бўлмағурроқ бўлган. Бўлмасам, бешинчиям бўладими?! Бўлсанг, биринчи бўл-да! Биринчи бўлмасанг, биринчиликка борма! Биринчиликда бало борми! Бахтиёрни биринчиликка Баҳодирнинг бобоси боргизган. Баҳодирнинг бобоси Бахтиёрнинг бўлмағурлигини билмаган-да! Бунинг бўлмағурлигини бари болалар билишгану, билишларини Баҳо-

дирнинг бобосига билдиришмаган. Бахтиёрнинг бўлмағурлигини Баҳодирнинг бобоси билганда-ку, Бразилияга боргизмаган бўлармиди?... Бўлмаганга бўлишма!
Бизам боксчимиз. Булгорияга, Буюк Британияга, Бразилияга, Бишкекка, Бувайдага, Богдодга бокс бўйича биринчиликка бормаганмиз. Биламиз-да, борсақ балоям бўлмасдик. Бўладиган болалар бошқача бўлишади. Бахтиёр бўлмағурлигини билсаям бораверган. Бўлмағур барибир бўлмайди.
Бўладиган бола бошидан билинади!



Мактублар қутиси

ОРЗУЛАРИМ РЎЎБИ

Вақтнинг бу қадар югурик эканлигини авваллари сезмаган эканман. Бугун болалик йилларига назар ташлаб, бир ҳақиқатни илғадим. Аслида вақт эмас бизлар «югурик». Эртанг эртанги куним дея кунларни тунга, тунларни тонгга улаб югуриб-елиб, мақсад сари интилиб яшаш асносида умр ўтиб ёш илгарилаб бораверар экан.

Эсимда, ҳеч қачон менга «аъло» баҳо олиш «хамирдан қил суғурганчалик» осон бўлмас эди. Ҳар бир «аъло» баҳоим заминидаги машаққатим бир ўзимга аён десам муболага бўлмас. Мактабга илк одимдан бошлаб, қаттиқ назорат остида яшадим. Муаллимнинг «икки»сидан, ота-онанинг даққисидан кўрқув мени фаолиятга бошлар эди. Ҳозиргидек эсимда, математикадан икки баҳо олган куним, уйимга кира олмаганим, ҳовлида мақсадсиз айланиб юриверганим-у, ҳижолатдан ўзимча ёлгонлар тўқганим... Ўқитувчимдан ранжиган эдим ушанда. Кечаси билан математикадан ёзиб чиққанам, машқларни бажарганим... Эвазига олган «беш»им эса узок вақт менга хузур бергани... Буларнинг бари ёдимда.
Шу тариқа йиллар утиб, ка-

сб ҳақида қайғурадиган кунлар ҳам этиб келибди. Ҳар ким уз орзуни билан кўкларда учади. Орзуларга фарқ кунлар эди, ушанда. Дўстларимни кўпи иқтисодчи, ҳуқуқшунос бўлишни хоҳлашарди. Дипломатияга топширмакчи бўлганлар ҳам талайгина. Шундай суҳбатларда уларга ич-ичимдан орзуларининг ижобат бўлиш-ни истар эдим. Қалби қадар орзулари-да соф эди уларнинг.

Мен ҳам баъзан иқтисодчи, баъзан шифокор бўламан деб айтар эдим-у, лекин негадир кўнглим бу касбларга чопавермас эди. Булар ёмон касб эмас. Лекин, жонажон ватанимиз равнақини фақат шу касбларгина таъминламайди-ку! Ўртоқларимдан бирортаси ҳам ўқитувчи ёки шифокор бўламан демас эди. Ҳайрон қоламан, нега бундай? Ахир булар Шарқда энг улуғланадиган касблар эмасмиди? Нега бугун исталмайдиган касбларга айлашиб қолди? Ахир миллат ва мамлакат ўқитувчи сабогидан улғаймайдими? Хуллас, мен виждонан бу касбни танладим. Ўзинг севган касб йулида интилиш нақадар завқли...

Тургун РАИМБЕРДИЕВ,
ТошДУ толиби.

САТПИРИ — 100 ПИР ДЕГАНИ

Қишлоғимизнинг номи Сатпири. Бир кунни бувимлардан нима учун қишлоғимизнинг бундай деб номланишини сўрадим. Улар менга шундай жавоб бердилар:

«Утган замонларда «Хужалар» ва «Қорачалар» алоҳида-алоҳида бўлиб яшаган экан. Улар бир-бирларига ашадий душман эканлар. Бир кун «қорача»лар «хужа»ларнинг қишлоқларига бостириб келишибди. «Хужа»ларнинг на кўшини ва на қуроли бор экан. Шунинг учун улар «қорача»ларга таслим бўлишибди. Шунда «Хужалар»дан бир нуруний чол чиқиб:

— Эй қорачалар! Сиз бизларга эълон қилмасдан уруш бошладингиз. Шунинг учун ҳам биз сизларга таслим бўлдик. Энди келинг, билим билан синашамиз. Агар биз энгилсак, қишлоғимизни сизга топшираемиз. Агар сизлар энгилсангиз, қишлоғимизни ташлаб чиқиб кетасиз, —



дебди. «Қорача»лар рози бўлишибди ва уларнинг сардори шундай дебди. — Майли, қуйган шартингизга розимиз. Сизлар юзта доно ва билимли кишиларни олиб келинг, биз уларга савол берамиз.

«Хужа»лар олиб келган донолар «қорача»ларнинг барча берган саволларига аниқ, бурро-бурро жавоб беришибди. Шунда «қорача»лар: — Биз энгилдик. Барча доно кишилар сизнинг қишлоғингизда экан. Қишлоғингизни номини «Юз пир» яъни «Сатпири» деб қуйинглар, — дейишибди. Шундан кейин қишлоғимизнинг номи «Сатпири» булган экан.

Лайло ФОЗИЛОВА
Ғиждувондаги 4-ўрта мактаб.

Нафиса кўринишидан ёмон қиз эмас. Ювош, кўй оғзидан чўп олмаган. Лекин бир қайсарлиги кўзиса борми, оламни бузгудек йиғлайди. Уйда ҳеч ким унга бас келолмайди.

Нафиса ёшлигида жуда кўп касал бўлди. У 10 ёшга тулгандагина мактабга борди. Аранг турт йил ўқиди. Кейин «ўқимайман» деб туриб олди. Онасини унга раҳми келди: «Кел, уша ўқишингни мушук тарсин», деб қитабдан чиқариб олди. Мана уч йилдирки, Нафиса уйда, нима қилиш и ни билмайди. Унинг бирдан-бир орзу-ҳаваси сунгги модадаг и куйлақлардан кийиш! Лекин бу истақлар уз-узидан булмайди-ку! Унга қолса, кўлини совуқ сувга урмаса-да, ҳаммаси эртақлардагидек пайдо бўлиб қолаверса!

Нафиса онасини бир зум ҳам тинчитмайди. Онаси қаерга борса, у ҳам уша ерда бўлади. Она бечора Оллоҳдан фақат қизига инсоф тилашдан нарига ўтмайди.

Болажонлар, сиз Нафисага қандай маслаҳат берган бўлардингиз? Балки орангизда ҳам Нафисалар бордир?..

Аҳмаджон ЙЎЛДОШ.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ХАЛҚАРО ҲАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Йўлдош САИДЖОНОВ, Омон
МАТЖОН, Гулнора ЙЎЛДО-
ШЕВА, Хотам АБДУРАИМОВ,
Илқийоб ЮСУПОВА, Далахон
ЁҚУБОВ, Иноят АБДУСОА-
ТОВА, Сунпатылла ҚУЗИЕВ,
Муқаррама МУРОДОВА, Феруза
ОДИЛОВА.

«ЕШИҚТИСОДЧИ»
ИЛОВАСИНИ ТАЙЁРЛАГАНЛАР:
Музаффар ПИРМАТОВ,
Равшан ҚАМБАРОВ,
Маҳдиё МИРСОАТОВА,
Гулнора МУҲАМЕДОВА.

IBM компьютерида, терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-0606. 46.496 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 19.45. Навбатчи София Муҳаммадҷонова.

Руйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
Нашр курсаткичи: № 64563
Телефон:
1-33-44-25
1-36-57-91
1-36-54-21